Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 13 июль • Чоршанба • № 53 (14214) تركستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

МАҚСАД— ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ



Суратда уч давлат раҳбарларининг самимий суҳбати.

А. Илёсов олган сурат.

Бу кўҳна дунё кўп тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Тараққиёт маромли жадаллашган ушбу даврда ҳам биз, тарих зарварақларига ёзилажак воқеа-ҳодисаларга тез-тез гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ, содир бўлаётган воқеалар ичида шундайлари борки, улар бевосита келажакка дахлдордир. Бундай кунлар ўз мазмуни билан йилларга, асрларга татигулик. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари Алматида учрашган 8 июль ана шундай тарихий кунлар сирасига киради.

Учрашув чоғида қадим Туркистон заминидаги қардош мамлакатлар муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этиш, ҳамжиҳатлик йўлида ғоят муҳим амалий қадам қўйдилар. Уч мамлакат Президентлари ва Бош вазирлари иштирокидаги давлатлараро кенгашнинг тузилиши, унинг ишчи органи сифатида доимий фаолият кўрсатадиган ижроия қўмитаси барпо қилиниши, иқтисодий интеграцияга кўмаклашувчи давлатлараро Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банки таъсис этилишига аҳдлашув ушбу тарихий учрашувнинг оламшумул натижаларидандир.

Маълумки, халқларимизнинг истиқлол нашидасини сура бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Айни пайтда Марказий Осиёдаги мамлакатлар ҳам ўзининг давлат тузумини барқарорлаштириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун интилмоқда. Афсуски, остонамизга истиқлолдан илгарироқ иқтисодий қийинчиликлар қадам қўйди. Иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолиши бозор муносабатларига ўтишни мураккаблаштирди. Ана шу пайтда замон қўшни ва хорижий мамлакатлар билан тенглик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган янгича муносабатларни шакллантиришни тақозо этди.

Ростини айтиш керак, бу жараён осон кечмаётир. Буни МДҲнинг қисқа тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин. Амалий ишга ўтиш механизмининг яратилмагани янгича иқтисодий муносабатларга замин ҳозирлаш учун тузилган бу ташкилотнинг асосий қусуридир. Шу сабабли ҳам МДҲ, кутилган натижаларни бермаяпти. Алмати учрашувининг қиммати шундаки, унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан аҳдномаларни амалга оширишнинг пухта механизми яратилди.

Президентлар кенгаши таркибида Бош вазирлар кенгаши, мудофаа вазирлари кенгаши ҳамда ташқи ишлар вазирлари кенгаши ҳам фаолият юритадики, бу ўзига хос мукаммал механизм иқтисодий, сиёсий ҳамда мудофаа соҳаларида ҳаракатларни мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳамжиҳатликда ҳал этиш имконини беради. Давлатлараро битимлар, шартномаларнинг амалга ошишига бевосита бош-қош бўладиган ижроия қўмита давлат ва ҳукумат раҳбарлари кенгаши фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайди.

Ислом Каримов бу кенгашларга бир йил давомида Қозоғистон вакиллари раҳбарлик қилишини ва фаолият маркази Алмати шаҳри бўлишини таклиф этди.

— Тажриба шуни кўрсатадики,— деди жумладан Ислом Каримов,— бошқарув тизимининг сочилиб кетиши яхши натижа бермайди. Шу сабабли бошқарув маркази бир жойда бўлиши, барча кенгашларда раҳбарлик бу сафар Қозоғистон вакилларига юклангани ишнинг унумли бўлишига хизмат қилади. Кейинги йилда кенгашларга Қирғизистон ва орадан яна бир йил ўтиб, Ўзбекистон вакиллари раҳбарлик қиладилар.

Ўзбекистон Президентининг бу таклифи барчага маъқул бўлди. Шуниси аҳамиятга молликки, кенгаш раҳбарларининг ўринбосарлари доимий, яъни узлуксиз фаолият юритади.

Таъсис этишга келишилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банки 9 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг низом жамғармасига эга бўлади. Учрашувда бу банк иқтисодий интеграцияни кучайтириш борасида ғоят муҳим ишларни амалга ошириши лозимлиги таъкидланди. Ёқилғи, энергетика, машинасозлик, алоқа тармоқлари ва бошқа муҳим соҳалардаги давлатлараро йирик лойиҳаларни амалга оширишда, қолаверса, хорижий сармояларни мамлакатларимиз ҳудудига жалб этишда унинг ҳиссаси беқиёс бўлади. Ушбу банкнинг қароргоҳи ҳам Алматида жойлашади. Шароит тақозо этган тақдирда унинг ваколатхоналари ёхуд корреспондент ҳисобларини Ўзбекистон ва Қирғизистонда очишга келишилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат делегацияларининг музокаралари ниҳоясида Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев журналистлар билан учрашдилар. Унда эришилган аҳдномалар Тошкентда, Ўрдабошида ва Чўлпонотада қабул қилинган ҳужжатларнинг руҳига мос экани, улар уч қардош мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган давомли экани қайд этилди.

Ислом Каримов журналистларга ушбу ҳамжиҳатлик МДҲдан ташқари ёхуд бирор мамлакатга қарши иттифоқ деб талқин қилинмаслиги лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Учрашув якунлари ягона иқтисодий макон яратиш борасидаги ҳаракатларимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтганидан дарак беради,— деди Ўзбекистон Президенти.— Иқтисодий интеграцияни амалда жорий этиш ушбу босқичнинг асосий ўзига хослигидир.

Журналистларнинг республикаларнинг ўзига хос иқтисодий имкониятлари ҳамкорликка киришган бирор мамлакат манфаатларига путур етказмайдими, деган саволига Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев жавоб қайтарди. Улар республикалар ягона миллий валютага эга бўлган тақдирда ана шундай хавф юзага келиши мумкинлигини таъкидлаб, валюталарнинг бошқа-бошқа экани, ўзаро ҳисоб-китобларда бунинг олдини олиш имконияти яратилишини айтдилар.

Қабул қилинган қарорлар, эришилган аҳдномалар оддий инсонга нима беради?— Нурсултон Назарбоев бу саволга жавоб берар экан, қардош давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашувидан сўнг мамлакатлар ўртасидаги божхона тўсиқлари олиб ташлангани қон-қардошлик ришталари билан чамбарчас боғланиб кетган мамлакатларимиз халқларининг алоқалари, борди-келдиларини осонлаштирганини эслатиб ўтди. Аҳолининг эркин борди-келди қилиши — миграция тўғрисида қабул қилинган битим мамлакатдан мамлакатга кўчиб бориш, фуқароликни алмаштириш, кўчмас мулкни сотиш ва қўшни давлатдан яшаш учун жой сотиб олиш борасидаги муаммоларни осон ҳал этишга кўмаклашишини, қолаверса, иқтисодий ҳамкорлик, интеграция моҳият эътибори билан оддий инсон манфаатларига йўналтирилганини қайд этди.

Ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳам шулар жумласидандир. Чунки, бу борадаги ҳамжиҳатлик минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилади. Президентлар ҳарбий-техник ҳамкорлик мамлакатларнинг ҳарбий саноат мажмуалари ишини ўнглашини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашини, мавжуд имкониятлардан биргаликда фойдаланиш бу соҳадаги талай муаммоларни бартараф этишини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мўл-кўл пахта етиштириш, қишлоқ хўжалик машиналари ва енгил автомобиль ишлаб чиқариш имкониятига эга, Қозоғистон эса ғалла макони, Қирғизистон энг арзон электр энергияси олинадиган мамлакат бўлган бир вақтда бу каби ихтисослашув катта самаралар бериши тайин.

Учрашув охирида Президентлар ягона иқтисодий макон ҳақидаги шартномага қўшилиш истагида бўлганлар учун эшиклар очиқ экнини яна бир карра айтиб ўтдилар. Тарихий учрашувда қабул қилинган ҳужжатлар ана шунга комил ишонч уйғотади.

* * *

9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Алматидан Тошкентга қайтиб келди.

Амирқул КАРИМ,
ЎзА махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МУОМАЛАДАГИ НАҚД ПУЛЛАРНИ КАМАЙТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Нақд пул муомаласини тартибга солиш ва пулларнинг асоссиз равишда кўпайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва тижорат банклари корхоналарга, ташкилотлар ва муассасаларга, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, нақд пулларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек сафар харажатларини тўлаш учунгина берсинлар.

2. Белгилаб қўйилсинки,

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали нақд пулсиз амалга оширилади;

давлат (акционерлик) корхоналари ва ташкилотларидан кооперативларнинг, фермерларнинг, хусусий ва кичик корхоналарнинг ҳисоб варақаларига тушадиган пул маблағлари операциялар ва тўловлар уларнинг устав фаолияти соҳасига мувофиқ келган тақдирда қўшиб қўйилади;

аҳолининг омонатлари бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиялари (рухсатномалари)га эга бўлган банк муассасалари томонидангина амалга оширилади.

3. Ушбу қарор чиққан кундан бошлаб «Ўзкооптайёрловсавдо», бошқа воситачи ва тайёрлов ташкилотларининг аҳолидан харид қилинган қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун нақд пул тўлашлари тақиқлансин. Бунда маҳсулотларнинг ҳақи жамғарма тармоғига эга бўлган банкларда фуқароларнинг алоҳида ҳисоб варақларига маблағ ўтказиш йўли билан тўлансин.

Банк муассасалари ана шу ҳисоб варақларидан маблағларни тегишли банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчаларидаги чеклар ҳолидагина берсинлар.

«Ўзкооптайёрлов с а в д о» бирлашмасига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва чорва моллари харид қилиш учун нақд пул қандай мақсадларга ажратилгани ва қайтарилиши кўрсатилган ҳолда фақат республика ҳукуматининг қарорига биноан ажратилсин.

4. 1994 йилнинг 11 июлидан бошлаб нақд пулга майда улгуржи савдо қилиш, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жорий хўжалик эҳтиёжлари учун нақд пул бериш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки, «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» бошқаруви билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида майда улгуржи савдо бўйича товарлар сотиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича корхоналарнинг жорий хўжалик эҳтиёжларини таъминлаш, шунингдек умумий овқатланиш ташкилотлари тушган фойданинг бир қисмидан қишлоқ хўжалик маҳсулоти харид қилиш учун фойдаланиши тартиби тўғрисида таклифлар киритсинлар.

5. 1994 йилнинг 1 августидан меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган маблағлар давлат йўли билан тартибга солиб турилиши жорий этилсин. Шу мақсадда:

барча мулкчилик шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар (бюджетдагилардан ташқари) маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг ҳар бир фоизи учун база даврига нисбатан таққослама нархларда 0,7 фоизгача иш ҳақи фондини оширишлари мумкинлиги;

хўжалик юритувчи субъектлар белгиланган нисбатни турли сабабларга кўра ошириб юборган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асоссиз оширилган қисми тўла бюджет ҳисобига ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағлар сарфланишини ҳар чоракда назорат қилиб бориши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ҳамда илгари қабул қилинган қарорларга мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тақдим этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ БАНКИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА

БИТИМ

Бундан кейин томонлар деб аталадиган ушбу битим қатнашчилари бўлган давлатлар,

томонлар ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисидаги шартномага асосланиб,

савдо-сотиқ, молия муносабатларини сақлаб қолиш, қўшма ишлаб чиқаришларни ривожлантириш манфаатларига амал қилиб,

томонларнинг ҳукуматлараро битимларида назарда тутилган савдо, савдодан ташқари ва бошқа операциялар бўйича кўп томонлама давлатлараро ҳисоб-китобларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш зарурлигини эътироф этиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

1. Қўшма банк — Марказий Осиё Ҳамкорлик ва ривожланиш банкини (бундан кейин МОҲРБ — банк деб аталади) ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Қирғизистон Республикаси ҳукумати, Қозоғистон Республикаси ҳукумати банкнинг таъсисчи аъзолари ҳисобланадилар.

2. Банк кенгаши банкни бошқариш органи ҳисобланади, унинг таркибига томонлардан ваколат берилган биттадан вакил киради. Банк кенгашининг қарорлари банк уставида белгиланган тартибда қабул қилинади.

3 Банк орқали ўтказиладиган ҳисоб-китоблар эркин алмаштириладиган валютада, миллий валюталарда ёки банк кенгаши томонидан белгиланган махсус тўлов воситаларида амалга оширилади.

2-модда

Банк Алмати шаҳрида жойлашади. Банк юридик шахс ҳисобланади. Банк Халқаро молия ҳамда банк ташкилотлари ва уюшмаларида қатнашиши мумкин.

Банк фаолияти ушбу битим ва унинг узвий қисми ҳисобланадиган банк устави билан тартибга солинади.

Банк билан банк жойлашган мамлакат ўртасидаги муносабатлар мазкур давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ва тегишли битим билан белгиланади.

3-модда

Банкка қуйидаги вазифалар юкланади:

ҳукуматлараро битимларда назарда тутилган савдо ва бошқа операциялар бўйича кўп томонлама давлатлараро ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, қўшма корхоналар ташкил этишга ва уларнинг фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашиш;

томонларнинг стратегик дастурларини кредитлар билан таъминлаш;

умумминтақавий мақсадлардаги объектларни маблағ билан таъминлаш;

томонларнинг иқтисодиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда томонларнинг банкларига таклифлар ва тавсиялар бериш.

4-модда

1. Банкнинг 9 (тўққиз) миллион АҚШ доллари ёки (банк кенгашининг қарорига биноан) бошқа валютадаги эквивалент миқдордаги бошланғич устав сармояси банк таъсисчи аъзоларининг банк кенгаши томонидан белгиланадиган миқдорлардаги бадаллари ҳисобига шаклланади.

2. Устав сармояси миқдори банк кенгашининг қарорига биноан кўпайтирилиши мумкин.

3. Янги давлат банк аъзолигига қабул қилинганда банкнинг устав сармояси миқдори кўпаяди. Банк янги аъзоси бадали миқдорини, уни тўлаш усули ва муддатларини банк кенгаши унинг билан келишган ҳолда белгилайди.

4. Банк банк кенгаши қарорига биноан ташкил этиладиган махсус фондларга эга бўлиши мумкин.

5-модда

1. Давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги жорий тўловлар икки томонлама ва кўп томонлама асосда амалга оширилади ҳамда уларнинг миллий қонунчилиги билан тартибга солинади.

2. Миллий валюталарнинг томонларнинг ўзаро ҳисоб-китобларидаги курси банк кенгаши томонидан аниқланади.

Томонлар валюталарнинг Миллий (Марказий) банклар томонидан белгиланадиган курслари тўғрисида валюта курси ўзгаргандан кейинги кундан кечиқмай ахборот тақдим этадилар.

6-модда

1. Ҳар қайси томон ҳукуматлараро битимлар бўйича навбатдаги муддатга ва умумий товар оборот доирасида савдо-иқтисодий битимлар тузаётганда кўрсатиб ўтилган муддат доирасида тушумлар ва тўловларнинг бошқа томонлар, банк аъзолари билан мутаносиб бўлишини тамъинлашга интилади. Бунда миллий ёки бошқа валютада мумкин бўлган резервларни яратиш (улардан фойдаланишни), шунингдек, кредит олиш (уни тўлаш) имконияти ҳисобга олинади.

2. Савдодан ташқари операциялар бўйича ҳисоб-китоблар савдодан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар асосида амалга оширилади.

7-модда

Банк банк аъзолари бўлмаган бошқа давлатларга, уларнинг банк кенгаши томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда ҳукуматлараро ҳисоб-китобларда қатнашишлари учун, корреспондентлик счётлари очиши мумкин.

8-модда

Ушбу битимга банк фаолиятининг мақсади ва қоидаларини эътироф этувчи бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкин. Банкнинг янги аъзоларини қабул қилиш шартлари ва тартиби унинг устави билан белгиланади.

9-модда

1. Мазкур битим фақат барча томонларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

2. Ҳар қайси томон ушбу битимда қатнашишни, бу ҳақда банк кенгашини камида олти ой олдин маълум қилган ҳолда рад этиши мумкин. Кўрсатилган муддат мобайнида банк билан тегишли томон ўртасидаги уларнинг ўзаро мажбуриятлари бўйича муносабатлар тартибга солиниши керак.

3. Ушбу битим томонларнинг қонунчилигига мувофиқ ички давлат расмий маросимлари бажарилган вақтдан бошлаб кучга киради.

1994 йил 8 июлда Алмати шаҳрида ўзбек, қозоқ, қирғиз ва рус тилларида тўрт асл нусхада тузилди, у депозитарийда — Ўзбекистон Республикаси ҳукумати архивида сақланади, у мазкур битимни имзолаган республикалар ҳукуматларига унинг тасдиқланган нусхасини юборади.

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқларининг

ҚАРОРИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқлари қарор қиладилар:

1. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари ҳамда Бош вазирларидан иборат Давлатлараро Кенгаш тузилсин.

2. Давлатлараро Кенгаш таркибида қўйидагилар таъсис этилсин:

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлари кенгаши;

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлари кенгаши;

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлари кенгаши.

3. Доимий ишлайдиган ишчи ташкилот — давлатлараро Кенгаш ижроия қўмитаси тузилиб, унинг зиммасига мувофиқлаштириш —маслаҳат бериш, фараз ва таҳлил қилиш ҳамда ахборот тарқатиш вазифалари юклансин.

Ижроия қўмита қароргоҳи Алмати шаҳрида бўлиши белгилаб қўйилсин.

4. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирларига тузиладиган ташкилотлар тўғрисидаги Низом, шунингдек Давлатлараро Кенгаш ижроия қўмитасининг ички тузилишини, сметаси ва штатлар рўйхатини бир ой давомида ишлаб чиқиш топширилсин.

Тузиладиган ташкилотлар иштироки давлатлар томонидан тенг асосда маблағ билан таъминланади.

5. Давлатлараро Кенгаш ва унинг ташкилотларига раҳбарлик алмашиб туриш асосида, навбат билан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Дастлабки иш йилида мазкур барча ташкилотларга раҳбарлик қилиш Қозоғистон Республикаси вакиллари зиммасига юклансин.

1994 йил 8 июлда Алмати шаҳрида ҳа ,бири қозоқ, қирғиз, ўзбек ва рус тилларида уч асл нусхада тайёрланди, барча матнлар бир хил кучга эга.

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

АҲОЛИ КЎЧИШИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

МЕМОРАНДУМ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси,

қардош мамлакатлар халқлари тарихи, маданияти ва маънавиятининг муштараклигига ва давлатлар ўртасида таркиб топган мустаҳкам алоқаларга асосланиб,

ақл-заковат, маданият ва меҳнат салоҳиятини сақлаб қолиш ва кўпайтириш зарурлигини англаб,

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисидаги шартнома тағин ҳам мустаҳкамроқ ҳамкорлик қилиш ва ҳар томонлама яқинлашиш учун қулай шароит яратишини, шу мамлакатларнинг манфаатларига мос келишини, тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилишини қайд этиб,

(Давоми иккинчи бетда).

АҲОЛИ КЎЧИШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда барча фуқаролар кайси миллатга ва динга мансублигидан қатъи назар, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилганини таъкидлаб, бу мамлакатларда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликка эришилганини эътиборга олиб, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида интеграцияни ҳар томонлама ривожлантиришга интилиб, салбий оқибатлар иқтисодиётга ва жамиятдаги маънавий-руҳий муҳитга таъсир қилаётганидан безовта бўлиб, мазкур масалаларни аҳолининг кўчиши соҳасида биргаликдаги ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан ҳал қилишга интиладилар. Бу ҳаракатлар қуйидагиларга қаратилган:

— минтақада яшаётган ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларини сақлаб қолиш, миллий маданиятлар ва тилларни ривожлантириш учун шароитларни таъминлаш:

— иқтисодиётнинг яқинлашувига кўмаклашадиган миллатлараро ва минтақавий компанияларни, илмий-ишлаб чиқариш марказларини барпо этиш учун шароит яратиш:

— бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудида яшаётган фуқароларига ўз мол-мулкига, шу жумладан мол-мулки жойлашган ердаги давлат қонунларига мувофиқ равишда ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш кафолатларини бериш:

— фуқароларнинг пулларини, шу жумладан пенсия, нафақа, алиментларни бир давлатдан иккинчисига жўнатиш масалаларини ҳал қилиш:

— фуқаролар малакасини, шу жумладан гувоҳномалар, дипломлар ва шаҳодатномаларни ўзаро тан олиш механизми ва тартибини такомиллаштириш:

— меҳнат ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш.

Давлат бошлиқлари мазкур меморандумни амалага ошириш мақсадида ўз ҳукуматларига 1994 йилнинг охирига қадар Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида аҳолининг кўчиши соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишни топширадилар.

Мазкур меморандум 1994 йил 8 июль куни Алмати шаҳрида ҳар бири қозоқ, қирғиз, ўзбек ва рус тилларида уч асл нусхада имзоланди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарларининг 1994 йил 8 июлда Алмати шаҳридаги учрашуви тўла ҳамжиҳатлик ва ошкоралик руҳида ўтди. Учрашувда қардош давлатларнинг ўртада тарихан таркиб топган анъанавий дўстлик, мустаҳкам ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари асосида бир-бирига яқинлашуви жараёни тобора кучайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома ўзаро яқинлашиш жараёнини музокаралар ўзанидан амалий ишлар йўлига ўтказишни бошлаб бергани ва сиёсий воқеликка айланиб бораётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тошкент, Ўрдабоши ва Чўлпонота учрашувларининг қардош мамлакатлар халқларининг фаровонлигини оширишни кўзлаб иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш ҳамда уларни мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириш йўлининг давомийлиги тасдиқланди.

Давлат бошлиқлари интеграция дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш, бозор иқтисодиётининг ёрдамчи тармоқларини биргаликда барпо этиш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижросини қаттиқ назорат қилиб бориш мақсадида хўжалик — ҳуқуқий ва ташкилий тусдаги тадбирларни дарҳол ишлаб чиқишнинг муҳимлиги тўғрисида гапирдилар.

Томонлар бир-бирига ўз мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида ахборот бердилар. Марказий Осиёдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида фикрлашиб олдилар, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мақсадлари ва қоидаларига садоқатларини таъкидладилар. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома бошқа давлатларнинг қўшилиши учун очиқлигини яна бир бор тасдиқладилар ва МДҲдаги бошқа мамлакатларнинг бу шартномага қўшилишини табриклашларини билдирдилар.

Яқинлашиш жараёнларининг кучайишини объектив ҳаётий зарурат деб ҳисоблаб ва уч томонлама ҳамкорлик муваффақиятли бўлиши учун мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий имкониятларини бирлаштириш зарурлигини таъкиддлаб:

томонлар:

— миллий қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни бир-бирига яқинлаштириш, белгиланган вазифаларни батартиб, ҳуқуқий жиҳатдан асослаб ҳал қилиш мақсадида янги қонунларни ишлаб чиқиш учун парламентлараро даражада қўшма ишчи гуруҳ тузишга;

— иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий, ҳарбий соҳаларда ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик қилишга;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатиш ишида куч-ғайратларини бирлаштиришга, Орол денгизи ҳавзасида ва Оролбўйида экология вазиятини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўришга;

— ташқи сиёсий фаолият соҳасида минтақа ва халқаро даражада ўзаро маслаҳатлашиб ҳаракат қилишга келишиб олдилар.

Давлат бошлиқлари баён қилинган мақсадларни руёбга чиқариш ҳамда иқтисодий, сиёсий, мудофаа ва инсонпарварлик соҳаларидаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Президентлар ва давлатларнинг Бош вазирларидан иборат давлатлараро кенгаш тузишга қарор қилдилар. Давлатлараро кенгаш таркибида:

— Бош вазирлар кенгаши;

— ташқи ишлар вазирлиги кенгаши;

— мудофаа вазирлари кенгаши бўлиши кўзда тутилган.

Доимий асосда ишлайдиган ижроия қўмитаси уларнинг ишчи органи ҳисобланади.

Ҳукуматларга қуйидагилар топширилди:

— кредит-ҳисоб-китоб қилиш, бюджет, солиқ, нарх, валюта, бож, ижозатнома, сармоя, нафақа, аҳолининг кўчиб юриши ва ички сиёсатнинг бошқа соҳаларини келишилган ҳолда амалга ошириш чораларини кўриш;

— бир ой муддатда марказий ҳамкорлик ва тараққиёт банкини ташкил этиш учун зарур бўлган таъсис ҳужжатларини тайёрлаш;

— иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари, миллатлараро компаниялар барпо этиш юзасидан дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш;

— хўжалик юритувчи барча субъектлар учун кенг имкониятлар ва кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликни рағбатлантириш;

— минтақа хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, ҳарбий-техника ва мудофаа ҳамкорлиги доирасида ўзаро келишилган стратегияни белгилаш;

— уюшган жиноятчиликка, терроризмга, наркотик ва руҳиятга таъсир этувчи моддаларнинг ғайриқонуний тарқалиши ва сотилишига қарши курашни кучайтириш ҳаракатларини мувофиқлаштириш.

Томонлар бўлиб ўтган учрашувларнинг ижобий якунларини таъкидлаб, бу учрашувнинг амалий руҳи, унда қабул қилинган ҳужжатларнинг самарали, ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли ҳамкорлигига хизмат қилади, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги тотувлик, яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга янги омил бахш этади, деб ишонч билдирдилар.

Алмати шаҳри. 1994 йил 8 июль.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Азиз ватандошлар!

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ягона иқтисодий макон ҳақиқатга айланмоқда ва ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиёт, сиёсат, маданият ҳамда одамларнинг кундалик алоқалари соҳасида сезиларли натижа бера бошлади.

Олий инсоний муносабатларни чуқурлаштириш, одамларнинг кундалик алоқаларини енгиллаштириш ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси пировард натижада чуқур инсонпарварлик йўналишида бўлиб, маърифий мулоқотнинг объектив қонунлари билан белгиланади. Биз биргаликда ёркин келажагимизга замин ҳозирлаяпмиз. Бундай келажакни бирлик ва жипсликсиз, бизнинг — Марказий Осиё халқларининг тақдири муштараклигини ва келажаги бир хиллигини равшан англамай туриб, тасаввур қилиб бўлмайди.

Бизнинг мустаҳкам қардошлик алоқаларимиз тарихий, жуғрофий, маданий муштараклик ва тилимизнинг умумийлиги билан боғлиқ. Биз кўп асрлардан буён давом этаётган дўстлигимиз ва яхши қўшничилигимиз негизида бир-биримизга яқинлашмоқдамиз, айни пайтда миллий ўзига хослигимизни, давлат истиқлоли ва сиёсий мустақиллигимизни сақлаб қолмоқдамиз. Янги тарихий шароитда халқларимизнинг бир-бирига яқинлашаётгани минтақанинг алоҳида бўлиб ажралиб қолишини билдирмайди. Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома МДҲдаги бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши учун очиқдир.

Ана шу мақсадларни кўзлаб, Алмати учрашувида иқтисодиёт, тадбиркорлик, молия, ҳарбий-техникавий, мудофаа алоқаларини ва ташқи сиёсий фаолиятни бошқаришнинг ҳуқуқий воситаларини таъминлайдиган ҳужжатлар келишиб олинди ва имзоланди. Қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун биз Давлатлараро Кенгашни таъсис этдик.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатлар имзоланиши билан мамлакатларимизнинг фақат ягона иқтисодий макон саригина эмас, балки умумий, сиёсий ва маданий макон сари ҳақиқий ҳаракати бошланди.

Биз, давлат бошлиқлари, мамлакатларимизнинг қудратли иқтисодий, сиёсий ва маънавий салоҳиятини аниқ интеграция дастурларини амалга оширишга, қардош халқларнинг умумий манфатлари йўлида самарали меҳнат қилишга қаратишга қатъий аҳду паймон қилганмиз ва юртдошларимизга, оқсоқоллар ва ёшларга, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига, Марказий Осиё минтақасини ўз Ватани деб биладиган барча миллат вакилларига мурожаат қилиб, бу ишда бизни қўллаб-қувватлашни сўраймиз.

Фақат жипслашиш, куч-ғайратларни бирлаштириш, барқарорликни сақлаб қолиш йўли билан биз ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўта оламиз ва мамлакатларимизда туб иқтисодий ислоҳотлар ҳамда демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларини ҳал қила оламиз.

Алматида имзоланган ҳужжатларнинг моҳияти ва мазмунини, мурожаатномамизни қардош мамлакатларнинг халқлари маъқуллаб, самимий қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон халқлари барчамизни бирлаштириб турган муштарак олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришда мустаҳкам ҳамкорлик қилишига ишонамиз.

Қалбларимиз, ҳис-туйғуларимиз ва орзу-умидларимиз абадий якдил ва якнафас бўлсин!

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти А.АКАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Алмати шаҳри. 1994 йил 9 июль

ҲАЁТНИНГ МЕЗОНИ ИНСОФ ВА АДОЛАТДИР

Бир ҳақиқатни барчамиз теран англаб етишимиз керак: давлат, жамият ва жамоа манфаатларини ўз шахсий манфаатларимиздан устун қўймасак, ишимиз олға силжимайди ва баракаси бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

БУГУН БАРЧАНИНГ КЎЗИ БОЗОРДА. ШУНЧА ЭЪТИБОРЛИ НАЗАРЛАР ТУШИБ ТУРГАНИГА ҚАРАМАЙ, ҲАМОН СИЗ СУРАТДА КЎРИБ ТУРГАНИНГИЗДАЙ ДОРИ СОТИБ ПУЛ ТОПАЁТГАНЛАР, МАГАЗИНДАН ТУХУМ ОЛИБ, БОЗОРДА БИР НЕЧА БАРОБАР ҚИММАТГА СОТАЁТГАНЛАР ЙЎҚ ЭМАС. АММО ШУНГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛКИ, БАРИБИР ИНСОФ ТАНТАНА ҚИЛАДИ.

К. ЎЛМАСОВ суратлари.

Бор бўлинг, яхшилар

БИР ТИЙИН ҲАМ ПУЛ

Кеча мева-чева харид қилиш ниятида Олой бозорига чиқдим. Бозор гавжум, ноз-неъмат тўкин. Албатта, нарх турлича: ярмаркага маҳсулот олиб чиққанлар ҳийла арзон сотишаётир, қуйи растада пиёзнинг нархини ўн икки сўм деб турганлар ҳам йўқ эмас.

Мени ўйлантирган бўлак ҳодиса бўлди — бир маҳал юк машинасининг ортини очиб, пиёз-картошка сотиб ўтирган кишининг олдига оқсоч бир кампир келиб, болам, — деб гап бошлаб қолди, — кеча мен сендан ул-бул харид қилган эдим, сен айтдингки, "жаъми етти ярим минг бўлади". Менинг ёнимда бор-йўғи ўн минг сўм-купон бор эди. Уйга бориб қарасам, сариқ чақаям қолмапти. Барини сенга бериб кетаверибман, шекилли?

Гап икки-икки ярим минг устида бораётган эди, демак, бу кампир учун шу ҳам пул, шунинг учун қанча ўйланган, умид билан қанча йўлдан келган у. Аммо кечаги савдо, кечаги қайтим ҳақидаги бугунги мужмал даъво... кўпчиликнинг олдида унга сотувчи нима деб жавоб қилиши тайин. Ўша кампирга ичим ачиб кетди. Аммо натижа мен кутгандан хийла бўлак тарзда тугади. Табиийки, сотувчи — у ўттиз саккиз ёшлардаги истараси иссиқ киши эди — кечаги гапни эслай олмади, ҳар соатда ўнлаб киши билан савдолашиб ўтиргач, бу мумкин ҳам эмас, бироқ буни сездирмади у, кампирга қараб, — бирон нима харид қиласизми? — деб сўради, кампир йўқ деган маънода бош чайқагач, — кеча мен ҳам сиз кетгач, икки ярим мингингиз қолиб кетганини эсладим, — деди ширин жилмайиб, элтиб берай десам қаерда туришингизни билмайман. — У икки ярим мингни кампирга узатди. — Бу — ўша, сизнинг қайтимингиз...

Мен кампирнинг киприклари намланганини кўрдим, ўзим ҳам алланечук тўлқинланиб кетдим. Гап арзимаган пулда эмас, инсофда, муомалада, саховатда...

Суриштириб билдим, ўша сотувчининг исми Обид экан, Тошкент туманининг "Маданият" жамоа хўжалигидан келиб... бозорда дилларга илиқлик улашаётган экан. Бир қарашда арзимаган гапдек бўлиб туюлади бу, аммо ўша лаҳзаларда мен меҳрга анча чанқоқ бўлиб қолганлигимизни чуқур ҳис этдим.

БОБОМУРОД.

Мамлакатимизда миллий валютани жорий этиш муносабати билан "Республиканинг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори бутун республика халқининг айни кўнглидаги муддао бўлди. Шундай умидбахш қарордан сўнг ҳам айримларнинг кўнгли тўлмади, иккиланди, аммо кейинги кунларда амалга оширилаётган ишлар, жумладан, Жиззах вилояти ва шаҳар рахбарларининг бозорни тартибга солиш бўйича ҳаракатларидан бугун оддий халқ вакиллари ғоят хурсанд бўлмоқдалар. Энди инсоф қарор топадиганга ўхшайди, дея бир-бирларидан суюнчи олмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов миллий валютани муомалага киритиш муносабати билан Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда сўзлаган нуткида бозорда нархни мажбуран туширишга бўлмайди, фақат бозорни маҳсулотга тўлдириш билангина арзончиликка эришиш мумкин, деган фикрни билдирган эди. Шу йўл-йўриқни тўғри тушунган Жиззах шаҳри ҳокимлиги "Жиззахгўшт" ҳиссадорлик жамиятининг таклифларини ўрганиб чиқиб, жамиятга шаҳарнинг тўрт гавжум бозорида чекланмаган миқдорда ва белгиланмаган нархларда гўшт сотишга рухсат берди. Бу воқеа 28 июнь куни бўлган эди. Эндиликда жамият ўз маҳсулотларини барча савдо дўконлари орқали сотиш имконини ҳам олди. Натижаси аён: қарор чиққунга қадар бозорда гўшт нархи 25-30 сўмга қадар кўтарилган эди. Бугун 17-19 сўмни ташкил этяапти. Балки ушбу мақола чиққанга қадар нарх янада пасайса ажаб эмас.

Умуман, бозор анчадан буён шаҳар ҳокимлигини ташвишга солаётган масала бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси қарори туртки берди. Дарҳол "Тижорат савдоси билан шуғулланувчи савдо дўконлари ва якка тартибда фаолият кўрсатаётган фуқаролар ишини тартибга солиш тўғрисида" қарор қабул қилиниб, унда аксарият аҳолининг қизиқишлари инобатга олинди. Жумладан, айтилдики, шаҳар ҳудудида тижорат савдоси билан шуғулланувчи фуқаролар ўзбошимчалик билан тўғри келган жойларда савдо қилишлари аҳолининг эътироз ва норозиликларига сабаб бўлиб, кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. "Кўк бозор" ёнидаги темирйўл излари тижорат савдоси билан шуғулланувчилар томонидан эгаллаб олингани туфайли ун ва охак заводи, Учтепа пахта заводига вагон олиб ўтиш кескин қийинлашмоқда, техника хавфсизлиги қўпол равишда бузилмоқда. Бу ҳол темирйўл бўйлаб ҳаракат қилаётган поездларни бир неча соатлаб тўхташга мажбур қилмоқда.

Худди шундай ҳол "Кўк бозор" ичида ҳам мавжуд бўлиб, тижоратчи фуқаролар ўзларига маъқул жойда тартибсиз ўрнашиб олганлар. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олиб келган деҳқон бозорга киролмай, ташқарида қолиб, бозорга олибсотарлар эгалик қилмоқдалар...

Бозордаги ички тартиб-интизом ва санитария нормалари талабга мутлақо жавоб бермайди. Шаҳримизнинг Шароф Рашидов, Халқлар Дўстлиги шохкўчаларида, айрим маҳалла ҳудудларида, ўз уйлари ва уйлари олдида кабоб, пиво, яхна ичимликлар, автомашина эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи тижоратчилар ҳам шундай камчиликларга йўл қўймоқдалар. Уларнинг маҳсулоти сифатсиз, нархи кўрсатилмаган, бу нарса харидор норозилигидан ташқари солиққа тортиш масалаларида ҳам қийинчилик туғдирмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун қарор қабул қилинди. Қарор ижросини назоратга олиш учун эса шаҳар ҳокими Қ. Қобилов раислигида комиссия тузилди. Комиссия таркибида етти гуруҳ тузилиб, унга ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар бўлими солиқ инспекцияси, санэпидемстанция, бозорқўм вакиллари, депутатлар аъзо бўлиб кирдилар. Ана шу ишчи гуруҳлар, мана, бир неча кундирки, мунтазам равишда жойларга чиқиб, вазиятни назорат қилмоқдалар.

Биз 3-4 июль кунлари рейдчилар билан бирга бўлдик ва аҳвол билан танишдик. Умуман, 4 июлга қадар комиссия савдо билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан 127 та қонун бузилишини ва камчиликларга йўл қўйилганини қайд этди. Шу жумладан, сертификатсиз савдо қилаётган 20 фуқаро, ҳужжатсиз савдо қилаётган 61 фуқаро, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қоидаларини бузган уч фуқаро, Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо қилган 12 фуқаро, белгиланмаган жойда савдо қилган уч фуқаро, бошқага берилган қайд гувоҳномаси билан савдо қилган 4 фуқаро, қайд гувоҳномасида кўрсатилмаган молларни сотаётган 4 фуқаро аниқланиб, улар устидан баённомалар тузилди. Шунингдек, 8 нафари рухсатсиз дори-дармон сотган, 4 нафарининг гувоҳномаси бекор қилинган. 62 фуқаронинг сотаётган маҳсулоти ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. 10 киши устидан тузилган ҳужжатлар шаҳар ҳокимлиги қошидаги маъмурий комиссияга юборилди. 117 ҳужжат бўйича шаҳар солиқ инспекцияси чора кўраяпти. Натижада 78 фуқародан 1.570 минг с м жарима ундирилди. Мусодара этилган дори-дармонлар 5.200 минг сўмга баҳоланиб, 2-дорихонага топширилди.

4 чойхона, 20 кабобхона, 6 кассобхона, битта савдо растаси, 11 та озиқ-овқат дўкони текширилиб, санитария талабларини бузгани учун 16 шахсга жарима солинди. 10 та шунақа ташкилот ёпиб қўйилди. Белгиланган жойда савдо қилмаган 2 шахсдан санитария далолатномаси қайтариб олинди.

Энг асосийси, шаҳардаги иккита энг катта бозорнинг бозорқўм раислари ишда йўл қўйган камчиликлари учун вазифаларидан озод этилдилар.

Биз бу ўринда атайлаб шахсларнинг исм-шарифларини келтирмадик. Авваламбор, бу шахслар устидан ишлар ҳали давом этмоқда. Қолаверса, уларни номманом газета саҳифасига чиқариб, шарманда қилиш шарт эмасдир, деган андишага ҳам бордик. Қолаверса, шаҳар комиссияси аъзоларининг ҳаҳди қатъий. Бу ҳаракатлар навбатдаги компания эмас, балки, узоқ мақсадни кўзлаб бошланган иш, миллий валюта қадрини ошириш, мустаҳкамлашдек катта ишнинг дебочаси, балки пойдевори эканини ҳамманинг кўз ўнгида исботлашдир. Шу ниятда шаҳарнинг Ҳамид Олимжон номли хиёбонида асосан шаҳар аҳолисини таъминлашга қаратилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг доимий ярмаркаси очилди. Бу ерда арзон, сифатли гўшт, сут, сарёғни ҳам доимо топасиз. Жиззах нон комбинатида ва вилоят ҳудудида ишлаб чиқарилаётган кўплаб яхна ичимликлар ҳам расталардан доимий ўрин олмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги, унинг комиссияси бундан буён ҳам кўчаларда ва бошқа рухсат этилмаган жойларда савдо қилаётган шахсларга муросасиз бўлиш, олиб сотар ва чайқовчиларга қаттиқ чора кўриш, савдо шахобчалари ва бозорларда тартиб ўрнатиш борасидаги тадбирларни узлуксиз амалга ошира бориб, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилувига эришадилар., деб ишонса бўлади.

Бозор—халқ кўзгуси

КАТТА ИШНИНГ ДЕБОЧАСИ

Жиззах шаҳар ҳокимлиги, солиқ инспекцияси, санэпидемстанция ва "Туркистон" газетасининг шаҳар бозорлариаро қўшма рейди якунларига доир.

А. ИНОМЖОНОВ, Жиззах шаҳар ҳокими муовини, бозорни тартибга солиш комиссияси раисининг муовини.
Т. ШУҚУРОВ, шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи.
Ф. ШАҲЗОДАЕВА, шаҳар санэпидемстанцияси бошлиғи.
Б. СОАТОВ, шаҳар кенгаши депутати.
Ж. ЭРГАШЕВ, "Олмазор" бозори директори вазифасини бажарувчи.
А. МАМАРАСУЛОВ, "Туркистон"нинг ўз мухбири.

•БОНГ УРАМИЗ

ДАРОМАДНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорацияси раҳбарлари диққатига

Мамлакатимиз пойтахтидаги "Тошкент" автошоҳбекати қулай ерда жойлашган. Унинг кўркам ва салобатли биносида йўловчиларга яратилган шарт-шароит ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайди. Лекин ачинарлиси шундаки, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ҳақида бундай деб бўллмайди.

Айтайлик, сиз Тошкентда яшайсиз ва муайян сабаб билан Самарқанд ё Фарғонага бормоқчи бўлдингиз, шоҳбекатга келиб бино ичкарисига киришингиз биланоқ сизни аввало автобус ҳайдовчилари кутиб олади:

— Қаёққа борасиз?

— ...га.

— Фалон майдончада турган фалон номерли автобусга чиқинг. Тез боринг, беш дақиқадан сўнг жўнаймиз.

Уларнинг мақсади ҳаммага аён: сизни иложи борича кассага яқинлаштирмаслик, чипта пулини эса ўз хамёнига уриш. Рости, бунга кўпчилик кўникиб қолган. Шунинг учун бўлса керак, йўловчи тўғри автобус томон кетаверади. Автобус йўловчилар билан лиқ тўла. Бекат кузатувчилари ҳам кўпинча бу ҳолни кўриб кўрмасликка олади. Устига устак, автобус Тошкент шаҳридан чиқар-чиқмас ҳадеб тўхтайверади, ҳайдовчилар йўлда қўл кўтарган одам борки, бирин-кетин машинага ўтқазаверади. Автобус ичкарисидаги йўлак чиптасиз йўловчилар билан тўлади-ю, лекин ҳайдовчиларнинг кўнгли тўлмайди...

Жиззахга етиб борганингиздан сўнг оёқда тик туриб келганларнинг аксарияти ҳайдовчига йўл ҳақини тўлаб тушиб кетади, улар ўрнига яна ҳам кўпроқ йўловчи чиқади ва ҳоказо...

Содда йўловчиларимиз бунга ҳам кўникиб қолган. Уларнинг бирортаси ҳайдовчиларга юрак ютиб "Ҳой, барака топгур, инсофинг борми ўзи, бу тиқилинчда нафас олишнинг ҳам иложи қолмади-ку", деб айтолмайди. Мабодо айтгудек бўлса ҳам машина "эга"ларидан ўз "насиба"сини олади. Шунинг учун ҳам "Кимнинг аравасига ўтирсанг, ўшанинг ашуласини айтасан" деган нақлга амал қилиб кетаверади.

Фақат "Тошкент" шоҳбекатида аҳвол шундай эканда, дерсиз балки. Афсуски, бошқа автошоҳбекатлардаги тартибсизликлар пойтахтдагидан ўзса ўзадики, ортда қолмайди. Мисол тариқасида ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеани олайлик. Яқинда, 3 июль, якшанба куни Тошкентга қайтиш учун Самарқанд шаҳарлараро автостанциясига келдик. Кассага яқинлашмасданоқ бу ерда ҳам таниш манзарага дуч келдик: "Қаёққа борасизлар"...

Ҳайдовчилар қистовига қулоқ солмасдан Самарқанд-Тошкент автобусига чипта олдик.

Автобусга чиқдик. У йўловчилар билан қарийб тўлган. Бизга тегишли 17-18-ўринларда икки нафар ёш йигит ўтирарди. Узр сўраб, уларга чипталаримизни кўрсатдик. Йигитлардан бири одоб юзасидан:"Ҳайдовчи хоҳлаган бўш жойга ўтираверинглар, деган эди" дея бошқа ўрин ахтара бошлади. Биз ўтирган қип-қизил "Икарус" 3-4 дақиқадан сўнг, чиптада вақти ёзиб қўйилганидек, роппа-роса 11.30 да йўлга тушди. Ҳадемай, бирин-кетин тўхташ, чиптасиз йўловчи олишлар бошланди...

Жиззах вилояти ҳудудига кираверишда ҳайдовчилардан бири йўлакда туриб олганлар орасидан туртиниб-суртиниб, бир амаллаб автобус охирига етиб олгач, йўл ҳақини йиғиштира бошлади. 15-16 киши билан ҳисоб-китоб қилишга улгурмаёқ чўнтакларига пул сиғмай кетди. Сўнг у пулларни чап қўлига тахлай бошлади. Ахир, ҳар бир йўловчи ҳайдовчига оз эмас, нақд 28 минг сўм-купондан тўлар эди. Шунча пул нега давлат хазинасига эмас, "чаққон" ҳайдовчи ва унинг шериклари чўнтагига тушади. Бу ҳам етмагандек, ҳайдовчиларнинг йўловчиларга нисбатан қўпол муомаласини айтмайсизми?

Ажабланарли жойи шундаки, автобусларга билетсиз йўловчилар чиқаётганини, ҳайдовчиларнинг ўзлари одамларни шундоқ касса туйнуги тагида бунга ундаётганини кассир ҳам, кузатувчи ҳам кўриб, эшитиб туради. Лекин бирортаси бу ҳолга парво қилмайди. Хўш, бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Шунда хаёлингизга, демак, автобусга чипта кам сотилиши, машинага чиптасиз чиққан одамлар тўлайдиган йўл ҳақи ҳайдовчи қўлига тушишидан уларнинг ҳаммаси манфаатдор, яъни уч-тўрт киши ўзаро келишиб мўмай даромад оляпти, деган ўй келади. Улар, ахир, бир кеча-кундузда неча ўнлаб автобусни кузатади. Шундай экан, бу "чаққон"лар шоҳбекат кассасига тушиши лозим бўлган қанча маблағни устамонлик билан ўзлаштириб олаётганини ўзингиз ҳисоб-китоб қиларверинг.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак. Мана шундай интизомсизлик ва асаббузарликларнинг келиб чиқишида, шубҳасиз, йўловчиларнинг ҳам айби йўқ эмас. Бу ерда ҳар бир йўловчиларнинг ҳайдовчилар билан муросасозлиги ҳақида бораётир. "Кассада билет учун навбат кутиб ўтираманми, ҳақини шофёрнинг ўзига тўлаб қўяверамандa, дегувчилар жуда кўп. Улар бундай йўл тутиш билан ўзига ўзи жабр қилаётганини билмайди чоғи. Негаки, чипталар ҳақи ҳайдовчи чўнтагига эмас, ғазнага тушса, аввало, ўша ерда таъминот яхшиланади, янги автобуслар харид қилинади, демакки, турли йўналишлар бўйлаб қатнайдиган автобуслар сони кўпаяди. Акс ҳолда эса, яъни чипталар ҳадеб кам сотилавериб ташкилотнинг ички режалари барбод бўлаверса, "фалон йўналиш бўйича йўловчи кам" деган сабаб билан автобус сони қисқаради. Хўш, бундан кимга фойдаю, кимга зарар?

Кўз кўрса қувонгудек шоҳбекатларимиз бор, мустақиллик шарофати билан йўлларимизда оламга машҳур "Мерседес-Бенц"лар қатнаб турибди. Лекин йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ҳали-ҳамон ночор аҳволдалиги кишини ранжитади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Йўл ҳақининг эгаси ким ўзи? Шаҳарлараро қатновчи автобуслар фаолиятини мувофиқлаштириш, ваш мутасаддилар юқорида баён қилинган нохуш воқеалар ҳар куни, ҳар соатда рўй бераётганидан хабардорми ёки йўқми?

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорациясидаги мутасаддилар бу саволга аниқ жавоб берадиларми ва юқорида қаламга олинган нохуш ҳолатларга зудлик билан чек қўйдилар, деб умид қиламиз.

Шухрат УМИРОВ, ЎзА мухбири.

МАВҚЕИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳозир тортинадиган ёки бировлардан қўрқиб фикрни яширадиган замон эмас. Оқни оқ, қорани қора дейдиган давр. Яқинда бўлиб ўтган қурултойимиз ёшлар ташкилотлари куч-қудратини, обрўсини бир погона оширди.

Ташкилотимиз ҳаётида янги давр бошланди. Энди биз мустақиллигимиз талабларидан келиб чиқиб иш юритмоғимиз, билдирилган ишончни оқлашимиз лозим. Республикамиз Президенти Ислом Каримов бежиз "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак" деб айтмаган. Бу даъват замирида катта маъно ётибди.

Тўғри, ҳозир мамлакатимиз иқтисодий қийинчиликни бошидан кечирмоқда. Ана шундай бир пайтда ёшларимиз вазиятдан, шароитдан келиб чиқиб, иш юритмоқлари, ҳар соҳада бошқаларга ўрнак бўлишлари даркор. Энг муҳими, айни пайтда ёшларда ғурур ва шижоат, ғайрату ташаббускорлик уйғониши керак. Мақсад ҳам ёшлар ташкилотини ватанпарвар ва фидойи, эл-юрт равнақи учун курашадиган йигит-қизларни бирлаштирувчи ташкилотга айлантиришдир. Ўз-ўзидан равшанки, бу борада қийинчиликлар, ҳар хил тўсиқлар бўлади. Аммо, улардан сира чўчимасдан, доимо олға интилиш керак.

Қарши, Муборак туманлари ва Қарши шаҳрида миллий анъаналар асосида безатилган "Ёшлар уйи", яъни Ёшлар маркази ташкил этилди. Мисол учун, Муборакда ана шундай ёшлар марказини ташкил этиш мақсадида Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти 20 миллион сўм маблағ сарфлади. Ҳозир мазкур марказда нафақат ёшлар дам олиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин, ҳатто бу ерда ёшларнинг катта-катта тадбирларини, тўй маросимларини ўтказиш имкони яратилди. Биз қолган шаҳар ва туманларда ҳам ана шундай марказларни ташкил этиш хусусида кўрсатмалар берганмиз, яқин бир-икки йил ичида воҳамизнинг барча шаҳар ва туманларида ёшлар маркази фаолият кўрсатади, албатта. Чунки, биз топширилган вазифани назорат ҳам қилиб боришни сира унутмаймиз.

Ёшларни ишбилармонликка, тадбиркорликка ўргатиш мақсадида вилоят ёшлар қўмитаси қошида "Қашқадарё" кўп тармоқли фирмаси, Қарши шаҳрида иккита кичик корхона, Китоб ва Муборак туманлари қўмиталари қошида ҳам органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳанузгача ечилмаган. Шаҳар, туман хокимликлари Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари, халқ таълими, ички ишлар органлари вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини қайта тиклашлари зарур. Бу ишда мактаб, оила; маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим. Айрим туманлардаги жамоа, жамоа-ширкат хўжаликларида ёшлар ташкилотига ҳожат йўқ деган нотўғри кайфият юзага келмоқда. Бу мутлақо ўринсиз фикрдир. Чунки, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қурултойида таъкидланганидек, ёшлар бор экан, табиийки, уларнинг иттифоқи ҳам яшайди. Лекин жамият ҳаётида қандай мавқе тутиши бевосита ёшларнинг ўзига, мақсад ва вазифа, бурчни қанчалик уддалашига боғлиқ.

Ташаббус кўрсатаман деса, ёшлар ташкилотлари ҳал қилиши мумкин бўлган муаммолар қалашиб ётибди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари келтириб чиқарган муаммоларидан бири ишсизликни олиб кўрайлик. Ҳозирги кунда кўпгина ёшларимиз иш билан таъминланмаганлар... Кексалари-миз ёшларга ўз ўрнини бўшатиб беришини кутиб ўтирмасдан, янги иш жойлари барпо қилишга қаратилган тадбирларни кучайтириш, ёшларининг ўзини омилкорликка, йўқдан бор қилишга ўргатиш, юртимиз учун энг зарур соҳаларга ёшларни сафарбар қилиш каби тадбирларни ёшлар ташкилотлари амалга оширмаса ким амалга оширади?

Халқимизда, "Қари келса ошга, ёш келса ишга" деб бежиз айтилмаган. Нега ҳозирги ёшларимизнинг айримлари бекорчиликдан зерикмайдилар, енгил-елпи кун ўтказишга уринадилар. Бу муаммога ҳам ёшлар ташкилотлари бефарқ кузатувчи бўлиб туриши мумкин эмас.

Енг шимариб ишлашни хоҳлаган ҳар бир ёш кўчада қолмайди. Биргина вилоятимиздаги улуғ тарихий обидаларни тиклаш учун қанча-қанча ёшларнинг билими, куч-ғайрати, меҳр-муҳаббати керак бўлади. Кўҳна ва қадимий Шаҳрисабзни хорижликлар ҳам жуда яхши билишади. Қарши, Касби, Яккабоғ ва Деҳқонобод туманларидаги обидаларни айтмайсизми? Воҳамизда сайёҳлик ҳаракатини ривожлантириш учун барча қулайликлар муҳайё.

Фақатгина ташкилотчилик ва ташаббускорлик керак холос. Ёшлар ташкилоти бу ишни ўз зиммаларига олиб, уни амалга ошириш чораларини кўришлари керак.

Вилоят ҳокимлиги бундан кейин ҳам вилоят Ёшлар Иттифоқи билан бевосита ҳамкорликни давом эттиради. Уларнинг хайрли ишларига кўмаклашади. Ташаббусларини эса қўллаб қувватлайди. Чунки, умидимиз ҳам, келажагимиз ҳам ёшлар ҳисобланади. Уларнинг фаолиятини кафолатлаш ҳокимликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Истиқлол фарзандлари

биз ҳокимлик орқали ёшларнинг маданий дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, ўсмирлар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш каби муаммоларни ижобий ҳал қилмоқдамиз. Яна бир нарса — ёшларимизнинг ўзи ҳам баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун, тоғни урса, талқон қиладиган айрим йигитларимизнинг қилаётган ишларини кўриб, афсусланасан киши. Катта ёшдаги йигит-қизларни кўйиб туринг, ҳатто мактабда таълим олаётган ўқувчиларни бозорларда, кўча-кўйларда моддий бойлик орттириш йўлидаги ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин?

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликни ўзича талқин қилиб, уни кўра олмайдиган кишилар ҳам йўқ эмас, улар ўз мақсадлари йўлида айнан айрим ёшлардан фойдаланмоқчи бўлишади. Ёшлар Иттифоқининг муҳим вазифаларидан бири — вилоят ёшларини ўз орқасидан эргаштира олиши, уларни тўғри ва ижтимоий фойдали фаолиятга йўналтиришидадир.

Долли АЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қашқадарё вилоят қўмитаси биринчи котиби.

УМИД ВА КАФОЛАТ

Темир ХИДИРОВ
Қашқадарё вилояти ҳокими.

воҳамиздаги 202 та давлат хўжалигига жамоа ва жамоа-ширкат хўжаликларига айлантирилди. Чорвачиликда ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ниҳоясига етай деб қолди. Бугунгача мавжуд 292 қорамолчилик фермаси ҳиссадорлик тизимига ўтди. Бу билан айтмоқчиманки, қишлоқ хўжалигида, чорвачиликда иқтисодий ислоҳат ўтказишда ёшларимиз ташкилотчилик ва тадбиркорлик кўрсатмоқдалар. Биз ҳам ҳиссадорлик жамиятларига ёшлардан раҳбарлик лавозимларига кўтараяпмиз. Шу боисдан ҳам вилоятимизда маҳсулот етиштириш сезиларли даражада кўпаймоқда.

Вилоят ҳокимлиги ёшларга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Айни пайтда 50 дан ортиқ йигит-қизларимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида сабоқ олишмоқда. 12 мингдан зиёд ёшларимиз эса воҳамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим — тарбия кўришмоқда. Уларнинг пухта билим олишлари ва студентлик даврларини кўнгилли ўтказишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда. Шунингдек, биргина шу йилнинг ўзида Қарши шаҳрида ижодкор ёшлар учун 30 квартирали кўпқаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда барча қулайликларга эга бўлган квартираларда вилоятимизнинг иқтидорли ижодкор ёшлари истиқомат қилишмоқда.

Ҳозир мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий кўтаринкилик даврини, шу билан барча иқтисодий жиҳатдан бир мунча мураккаб даврларни бошдан кечирмоқда. Ана шундай бир пайтда ёшларимиз вазиятдан, шароитдан келиб чиқиб иш юритмоқлари, ҳар соҳада бошқаларга ўрнак бўлишлари даркор. Энг муҳими, айни бир пайтда ёшларда ғурур ва шижоат, ғайрату ташаббускорлик уйғониши керак. Мақсад ҳам ёшлар ташкилотини ватанпарвар ва фидойи, эл-юрт равнақи учун курашадиган йигит-қизларни бирлаштирувчи ташкилотга айлантиришдир. Ўз-ўзидан равшанки, бу борада қийинчиликлар, ҳар хил тўсиқлар бўлади. Аммо, улардан сира чўчимасдан, доимо олға интилиш керак.

Қарши, Муборак туманлари ва Қарши шаҳрида миллий анъаналар асосида безатилган "Ёшлар уйи", яъни Ёшлар маркази ташкил этилди. Мисол учун, Муборакда ана шундай ёшлар марказини ташкил этиш мақсадида Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти 20 миллион сўм маблағ сарфлади. Ҳозир мазкур марказда нафақат ёшлар дам олиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин, ҳатто бу ерда ёшларнинг катта-катта тадбирларини, тўй маросимларини ўтказиш имкони яратилди. Биз қолган шаҳар ва туманларда ҳам ана шундай марказларни ташкил этиш хусусида кўрсатмалар берганмиз, яқин бир-икки йил ичида воҳамизнинг барча шаҳар ва туманларида ёшлар маркази фаолият кўрсатади, албатта. Чунки, биз топширилган вазифани назорат ҳам қилиб боришни сира унутмаймиз.

Ёшларни ишбилармонликка, тадбиркорликка ўргатиш мақсадида вилоят ёшлар қўмитаси қошида "Қашқадарё" кўп тармоқли фирмаси, Қарши шаҳрида иккита кичик корхона, Китоб ва Муборак туманлари қўмиталари қошида ҳам кичик корхоналар, Баҳористон тумани марказида махсус видеобар фаолият кўратмоқда. Шаҳар, туман қўмиталари ёшларни мароқли дам олишларини ташкил этиш мақсадида "Қувноқлар ва зукколар", "Балли қизлар", "Наврўз қандай кутиб олинади?", "Даврага кел, дугонажон" каби кўрик танловлар ўтказиб туришибди. Ёшларимиз республика миқёсида ўтказилаётган "Ҳамшира-93", "Камолот-93" каби танловларда ҳам фаол қатнашдилар ва қатнашмоқдалар.

Очиғини айтганда ютуқлар ўзимизники, лекин гап ёшлар ҳақида борар экан, ҳали бу борадаги кўпгина ишларни амалга оширишга тўғри келади. Рўй-рост айтганда ёшларимиз шу кун талаби даражасида ишламаётирлар. Жойларда уларнинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги яққол сезилмаётир. Айниқса, бошланғич ташкилотларимиз фаолиятида камчиликлар жуда кўп. Улар ёшлар ўртасида меҳнатни тўғри ташкил этиш ва ўсмирлар тарбияси билан етарли даражада шуғулланмаётирлар. Шуғулланганларида эди, ёшлар орасида турли хил жиноятчилик кескин камайган бўларди. Айниқса, ўсмирлар ўртасида гиёвандлик ҳоллари учраб турибди. Хўш, бунга сабаб нима? Ўша ёшлар ким? Очиғи улар орамизда яшашади, ҳурматли оқсоқолларимиз раҳбарлик қилаётган маҳалларларда истиқомат қилишади. Шундай экан, нега ёшлар ташкилотлари қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда уларнинг ҳатти-ҳаракатларига бефарқ қарайдилар. Ёшларнинг тарбияси билан қизиқмайдилар. Ёшлар ташкилотлари билан маъмурий органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳанузгача ечилмаган. Шаҳар, туман хокимликлари Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари, халқ таълими, ички ишлар органлари вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини қайта тиклашлари зарур. Бу ишда мактаб, оила; маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим. Айрим туманлардаги жамоа, жамоа-ширкат хўжаликларида ёшлар ташкилотига ҳожат йўқ деган нотўғри кайфият юзага келмоқда. Бу мутлақо ўринсиз фикрдир. Чунки, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қурултойида таъкидланганидек, ёшлар бор экан, табиийки, уларнинг иттифоқи ҳам яшайди. Лекин жамият ҳаётида қандай мавқе тутиши бевосита ёшларнинг ўзига, мақсад ва вазифа, бурчни қанчалик уддалашига боғлиқ.

Ташаббус кўрсатаман деса, ёшлар ташкилотлари ҳал қилиши мумкин бўлган муаммолар қалашиб ётибди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари келтириб чиқарган муаммоларидан бири ишсизликни олиб кўрайлик. Ҳозирги кунда кўпгина ёшларимиз иш билан таъминланмаганлар... Кексалари-миз ёшларга ўз ўрнини бўшатиб беришини кутиб ўтирмасдан, янги иш жойлари барпо қилишга қаратилган тадбирларни кучайтириш, ёшларининг ўзини омилкорликка, йўқдан бор қилишга ўргатиш, юртимиз учун энг зарур соҳаларга ёшларни сафарбар қилиш каби тадбирларни ёшлар ташкилотлари амалга оширмаса ким амалга оширади?

Халқимизда, "Қари келса ошга, ёш келса ишга" деб бежиз айтилмаган. Нега ҳозирги ёшларимизнинг айримлари бекорчиликдан зерикмайдилар, енгил-елпи кун ўтказишга уринадилар. Бу муаммога ҳам ёшлар ташкилотлари бефарқ кузатувчи бўлиб туриши мумкин эмас.

Енг шимариб ишлашни хоҳлаган ҳар бир ёш кўчада қолмайди. Биргина вилоятимиздаги улуғ тарихий обидаларни тиклаш учун қанча-қанча ёшларнинг билими, куч-ғайрати, меҳр-муҳаббати керак бўлади. Кўҳна ва қадимий Шаҳрисабзни хорижликлар ҳам жуда яхши билишади. Қарши, Касби, Яккабоғ ва Деҳқонобод туманларидаги обидаларни айтмайсизми? Воҳамизда сайёҳлик ҳаракатини ривожлантириш учун барча қулайликлар муҳайё.

ТАНИШИНГ:

Аҳрор САМАРИДДИНОВ — Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбиримиз. Қарши туманида Акмал Икромов номидаги жамоа ширкат хўжалигининг Ҳилол қишлоғида таваллуд топган. "Ўзбекистон физкультурачиси", "Қашқадарё ҳақиқати" каби республика ва вилоят газеталарида қалами чархланган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Унинг битикларида Қашқа воҳасининг меҳнаткаш, танти ва айни пайтда табиатидек оғир феълли одамларининг қувончу ташвишлари ўз аксини топган. Ҳамкасб дўстимиз кўп минг сонли "Туркистон" газетаси муштарийларининг кўнглига ҳам йўл топади, деган умиддамиз.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!
Ислом КАРИМОВ



Мустақилликнинг уч йиллиги олдидан

Қашқадарё

Ҳамқишлоқлар

АНВАРЖОН асли Қарши шаҳрида туғилиб ўсган. Олий таълимни Қарши дорилфунунида олди. Касби ўқитувчилик. Уйлангандан сўнг, тақдир тақозоси билан Қарши туманидаги "Қарши" жамоа-ширкат хўжалигининг Худойзод қишлоғига кўчиб келди. Ерга, молга бўлган меҳр қишлоққа кўчиб келганидан сўнг пайдо бўлди. Дастлаб ишни Қарши гўшт комбинатида оддий технологликдан бошлади. 1990 йилда Янгийўл шаҳридаги озиқ-овқат коллежини тугатди. Ўшанда республикамиз Президентининг деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Жойларда бу муҳим ҳужжатнинг бажарилиши қатъий назорат остига олинди. Ана шундай бир даврда Анваржонда ҳам фермер бўлиш истаги туғилди. Чунки қишлоқда яшаб, деҳқончилик қилиш, мол боқиш борасида анча-мунча тажриба орттирганди. У турмуш ўртоғи ва қавм-қариндошлари билан фикрлашиб, уларнинг розилигини олгандан сўнг, ўзи яшаб турган хўжалик раҳбарларига мурожаат қилди. Бироқ хўжалик раҳбарлари унинг бу ҳаракатига ишонинқирамай, иккиланиш билан қарадилар. Лекин Анваржоннинг қарори қатъий эди. Шу боис хўжалик раҳбарлари билан тортишиб ўтиришни эп билмай тўғри қўшни Энгельс номли жамоа-ширкат хўжалигига йўл олди. Ҳарқалай, боргани зое кетмади. Хўжалик раҳбари уни самимий қарши олди ва дарҳол мутахассислар билан маслаҳатлашиб, аризасига қўл қўйиб берди. Ўзаро келишувга асосан эртасигаёқ иш бошлади. Дастлаб банкдан 15 минг сўм қарз олиб, бозордан 10 бош сигир харид қилди. Турмуш ўртоғи Шоҳида Намозова ва укаси Отабекнинг қистови билан яна банкдан 25 минг сўм қарз олиб, жами моллар сонини 40 бошга етказди. Мол боқиш учун ҳовлиси торлик қилгани учун ҳали қурилиш тўла бошланмаган қўшнисининг ҳовлисини келишган ҳолда сотиб олди.

Очиғини айтганда, 1990 йил Анваржон учун анча қийин кечди. Бироқ, хўжалик раҳбарларининг ва қавм-қариндошларининг қўллаб-қувватлаши натижасида йил сарҳисоби кутилгандан зиёда бўлди. Давлатга 2 тонна гўшт ва 4 тонна сут топширди. Шу йилнинг ўзида банкдан олган 40 минг сўм қарзини узди. Ва анча-мунча даромад ҳам қилди. Айниқса, 1991 йил Анваржон учун қувонарли бўлди. У бошлиқ фермер хўжалик давлатга 12 тонна гўшт ва 5 тонна сут етказиб берди. Даромад ҳам олдинги йилга нисбатан 4-5 баравар кўп бўлди. Шунинг ҳисобидан 40 бош бўрдоқига мўлжалланган молхона қурди. Битта беда ўрадиган КИР-1,5, битта ҳашак майдалагич механизмини, ҳамда Т-28 тракторини сотиб олди. Бу билан у хўжалик томонидан берилган 35 гектар майдондаги бедани ўз техникаси билан ўриб, вақтида молларга етказиб бериш имконига эга бўлди. 1992 йил моллар сони 80 бошдан ошди. Давлатга 42 тонна гўшт, 5 тонна сут етказиб берилди. Бунинг эвазига молхона ва бузоқхона бинолари кенгайтирилди. Молларни суғориш учун бинолларга қувурлар тортилиб, сув ичадиган махсус идишлар ўрнатишди.

— Очиғини айтганда, йил сарҳисоби ҳар қачонгидан қувонарли бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Анваржон Қўлдошев. — Давлатга 50 тонна гўшт етказиб бердик. Сут ҳам олдинги йилгидан кўп бўлди. Энг муҳими шундаки, айни пайтда давлатдан қарзимиз йўқ. Бултур моллар сони кўпайганлиги учун қавм-қариндошларимиздан 3 кишини ишга қабул қилдим. Уларнинг бирортаси ҳам ҳозирча ўз ишидан нолигани йўқ. Чунки моддий манфаатдорлиги ёмон эмас. Ойига 150-200 минг сўм атрофида маош олиб туришибди. Рўзғорлари бут. Ҳамиша маслаҳатлашган ҳолда иш юритамиз. Қувонганим шуки, хўжалигимизда меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси ёшлар.

— Айтинг-чи, фермерликнинг афзаллиги нимада? — сўраймиз сўзини бўлиб.

— Афзаллиги ҳақида бирор нарса дейишим қийин-у, аммо фермер бўлиш осон эмас экан. Истаган нарсанг тезда топилавермайди. Топилганда уни олишнинг ўзи бир муаммо. Хуллас, ташвиши кўпроқ. Фермер ниҳоятда эпчил, ишбилармон, тадбиркор бўлиши керак. Бу гапларни 3-4 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман.

Яна бир нарса, фермер ҳеч қачон ўзини, ўз манфаатини ўйлаши керак эмас. Кўпроқ элига, халқига тегаётган нафини ўйлагани маъқул. Чунки, ҳар ким ҳам элнинг олқишини, савобини олавермайди. Инсон учун эса олқиш, савоб олишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Яқинда бозор ва дўконларда бир килограмм гўштнинг нархи осмонга чиқди. Мен шундай пайтда элга гўштни бозор ва дўкондагига қараганда анча арзонга сотдим. Ўшанда кишиларнинг дуо қилганини айтмайсизми? Хурсандчилигимдан нима дейишимни билмайман.

— Яна нима ишлар қилмоқчисиз?

— Орзуга айб йўқ, дейишади. Майли, дилимдагини айтай. Ниятим гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган консерва ёки колбаса цехи очиш. Тўғриси, қачонгача бу маҳсулотларни четдан қиммат баҳода сотиб оламиз. Агар буларни ўзимиз тайёрласак, сифатли ва арзон бўлиши аниқ. Ортиқча сарф-харажатнинг нима кераги бор. Мен фақат битта нарсани истардим, шу соҳага мутасадди ташкилотлар, раҳбарлар бизни қўллаб-қувватлаб, керакли пайтда амалий ёрдам кўрсатсалар... Бу йилги режаларимиз, давлатга 60 тонна гўшт етказиб бериш. Бунинг учун 70дан ортиқ бўрдоқини семиртираяпмиз. Айни пайтда юқорида таъкидлаган цехни очиш учун қурилиш ишларини бошладик. Худо хоҳласа, йил охиригача цехни ишга туширамиз.

Анваржон Қўлдошевнинг узоқни кўзлаб фикрлаши қилаётган ишларида кўринади. Бизнинг истагимиз орамизда ана шундай софдил, элига қайишадиган, ишбилармон, тадбиркор ёшлар кўпаяверсин.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ.

Ташвишдан қочган фермер бўлмайди

Қўзичоғим, дўмбоғим

Л. НАРЗУЛЛАЕВ
сурат этюди

Қўли гул кишилар

ЎТИНДАН УЙ — РЎЗҒОР АШЁЛАРИ

Қарши туманидаги Чўли ота номли жамоа-ширкат хўжалигида дурадгорлик цехи ташкил этилиб, унда уй-рўзғор ашёлари: сандиқ, хонтахта, бешик, урчуқ, нонпар, оштахта, гўшттахта, стол ва стул, кетмон ва белкурак дасталари тайёрланмоқда.

Юқоридаги рўзғорбоп буюмлар махсус ёғоч ва тахтадан тайёрланаётгандир, дерсиз? Хато қиласиз. Булар оддий ўтиндан тайёрланаяпти. Қуриган, кесиб ташланган дарахт шохларидан фойдаланилмоқда. Хўш, бунинг нимаси ёмон. Турган-битгани хайрли иш-ку?

Шуниси диққатга сазоворки, дурадгорлик цехида тайёрланаётган юқоридаги буюмларнинг нархи бозор ва дуконларникидан икки баравар арзон. Саймурод Ҳурсанмуродов, Ёрқин Нурқулов, Дўстқобил Раҳимов каби усталарнинг ота-боболари ҳам шу касб туфайли эл ўртасида обрў-эътибор қозонишган. Хўжалик Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиби Абдивали Одилов ёш усталарнинг ишидан доимо огоҳ бўлиб, керак пайтида уларга ёрдам кўрсатмоқда.

Нилуфар ОЧИЛОВА.

Сўмим, асли ўзинг яхшисан

КЎРГАН КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

Ўзбек миллий валютасининг муомалага киритилиши ғоят катта ҳам тарихий ҳам сиёсий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Аммо эларо бир ташвишли савол кезиб юрибди: пулимизнинг қадри баланд бўлармикан? "Бўлади!" деб баралла айтишмоқда жуда кўп овозлар. Зеро, бунга асослар талайгина. Биринчидан, бизнинг юртимиздан сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукмрон мамлакат тинч-осойишта. Иккинчидан, иқтисодий имкониятларимиз кенг, ишлаб чиқаришни ривожлантира оладиган илмий потенциал жуда етарли. Демак, халқимиз комил ишонч билан келажакка интилса бўлаверади. Шу ўринда фахрланиб таъкидлаш мумкинки, ўзбек миллий валютаси бетакрор қиёфага эга. Жумладан, пулларимизга одам сурати туширилмаган, аксинча, шарқона нафис нақшлар билан безалган. Кўрган кўзлар қувонади. Унинг порлоқ келажагига ҳар биримиз масъул эканлигимизни эслатиб туради. Зеро, бизнинг меҳнатимиз, бизнинг садоқатимиз ўзбек миллий валютасининг дунё миқёсида қадрини баланд тутадиган муҳим омилдир.

Маҳмадмурод БОБОЁРОВ,
Ғузор тумани, тарих ўқитувчиси.

Истиқлол қалдирғочлари

ШАҲРИСАБЗ ДОВРУҒИ ОШАДИ

Ўз тарихий обидалари, бой маданий мероси билан жаҳонга машҳур бўлган Шаҳрисабз шаҳри бугунги кунда тадбиркорлар ва ишбилармонлар марказига айланмоқда. Яқинда Шаҳрисабз тикув-трикатож фабрикасида жаҳон андозасига мос кийим-кечаклар ишлаб чиқарила бошлаганлиги ҳам катта воқеага айланди. Чунки, иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир пайтда ўз маҳсулотлари билан мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда шуҳрат қозониш осон иш эмас, албатта.

Мазкур корхона ўтган йили ташкил этилиб, қисқа вақт ичида замонавий тикув ва тўқув машиналари билан жиҳозланди. Фабрика жамоаси шароитдан, вазиятдан келиб чиқиб, жаҳон андозаси талабларига мос келадиган кийим-кечакларнинг янги моделларини ўзлаштириб олишди. Болалар, эркаклар ва аёллар кийимлари айниқса, кичкинтойлар учун йилнинг тўрт фаслида кийишга мўлжалланган бежирим ва чиройли кийимлар харидорларнинг диққатини ўзига қаратмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини хорижга жўнатишаётир. Бунинг эвазига эса хориждан халқ дидига мос турли матолар, замонавий машина ва асбоб-ускуналар, ип ва ипаклар олинмоқда.

Корхонада 500 нафардан ортиқ қўли гул чеварлар меҳнат қилишмоқда. Ишчиларнинг асосий қисми яъни 90 фоизини ёшлар ташкил этади. Жорий йилда фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бир қисмини, 100 миллион сўмлигини вилоят савдо дўконларига чиқариш мўлжалланмоқда.

Фабрика маъмурияти цехларни янада кенгайтириш, ишловчилар учун қулай шарт-шароит яратишга ҳаракат қилишаяпти. Яқин кунларда корхонага чет элдан мато тўқийдиган ва унга гул босадиган асбоб-ускуналар келтирилди.

Ҳа, корхона маъмуриятининг жаҳон бозори томон қўйган бу қутлуғ қадами Шаҳрисабзнинг довруғига довруғ қўшиши аниқ.

Алишер НАЗАРОВ.

Майда мавзуми? Йўқ!

ИМЗО ЧЕКИШДАН ТОРТИНМАНГ

ЁКИ "ДОМ" ДА ЯШАШ ОСОНМИ?

- ***ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ***
- ***ШУНАҚА ҲАМ БЎЛАДИМИ?***
- ***ЎЗЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК***

ХАТНИ индамай қолдириб юборишим ҳам мумкин эди. Чунки имзосиз. Аммо унда кўтарилган масала (мен буни атай муаммо демаяпман, агар исталса, озгина жон қойитилса, жамоатчилик ҳаракати билан Қарши шаҳри умуман шаҳарлар ҳуснига хунук доғ бўлиб тушаётган бу хил кўнгилсиз манзараларга олдини олиш мумкин) менга ҳам яхши, таниш бўлганлиги сабабли жим кетолмадим.

Таҳририятимизга хат йўллаб савоб иш қилган кишилар Қашқадарё вилояти марказидаги "Пахтазор" ресторанининг Ўзбекистон кўчаси, "Қарши тиббиёт билим юрти" автобус бекати қаршисида ишлаб турган биринчи шоҳобчаси йўловчиларга ноқулайлик туғдириб, жуда кўнгилсиз манзараларга сабаб бўлаётгани, кабобхонадан кўтарилаётган кўмир тутуни дарахтларни қовжиратиб, атроф-муҳитга салбий таъсир этаётгани ҳақида ёзишган. Бундан ташқари шоҳобчадан пивога тўйиниб олган айрим тарбиясиз кишилар шундоқ бекат

(Давоми 4-бетда).

Маънавият ва маърифат

ОНА АЛЛАСИ-ЛА СИНГГАН ТУЙҒУ БУ!

— дейди олим Ватанга муҳаббат ҳақида

"ҒИШТДАН тикланган биноларнинг бари ҳам тарихга дахлдор бўлавермайди, дунёда ёдгорликларга бой шаҳарлар кўп, аммо уларнинг барчаси ҳам Самарқанд, Бухоро, Хиваю Қўқон бўлолмайди..." Қачонки, Ватан ҳақида ўйласам, таниқли кимёгар олим, ёшларнинг меҳрибон устози, профессор Муҳиддин Тошевнинг шу сўзлари ёдимга тушади. Ҳа, ғиштдан бинолар, кўчалар, узун-калта миноралар кўп. Аммо юрт бўйлаб кезар экансан, қадим тарихга эга шаҳарлар, обидалар кўзингга бўлакча кўринади. Зеро, ҳар бирида ўша давр, салтанат соҳибию устанинг нияти ўз ифодасини топган, мозийнинг суратию сийрати нақшланган.

Мен Муҳиддин Тошевни кимё фанига катта улуш қўшган олим сифатидагина танир эдим. Бухоронинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик кетаётган шу кунларда у билан суҳбатлашиб, иқрор бўлдимки, олимнинг қадим шаҳри, демакки тарих, яъни Ватан ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ўзгача: — Бухоро аллома шаҳар, — дейди у.

— Ибн Синосиз, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Аҳмад Дониш, Фитрат, Иброҳим Мўминовсиз унинг кечмишини тасаввур қилиш мумкинми? Ёки нега Бухорода кўплаб мадрасалар қурилган? Буларнинг бари Бухоро тарихининг очилмаган қўриғи, илм-фан, санъат, ҳарбу зарб санъати ҳунарлари билан боғлиқ жуда катта қатлам тахланиб ётибди. Эски шаҳар кўчаларини айланар экансиз, бу мукаддас гўшаларни фақат пиёда кезиш мумкин, деган иқрорга келасиз. Ҳар бино ёнида тўхтар экансиз, у сизни оламжаҳон мушоҳада домига тортади. Пештоқлардаги битиклар, нақшлар, шакл — айтиш мумкинки, булар бари мозийнинг юза қисми, бир қатлами, холос. Тарихимиз бизга фақат фахрланиш туйғусини эмас, балки ўрганиш, ота юрт, она заминимизнинг ҳар лаҳзасини тадқиқ этиш юкини ҳам қолдирган...

Ҳа, савоб илинжида ёнган ҳар бир киши Ватан тупроғини тўтиё билади, уни яшнатишга ошиқади. Мамлакатимиз истиқлолга юз тутгач, мустақиллик, бозор иқтисодиёти йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишда халқимизга бош бўлган раҳбариятнинг хизматларини қайд этиш лозим. Биз учун бирдан-бир хайрли йўл-ҳалол меҳнат, сабр-қаноат, танланган йўлда собитлик. Мана, ниҳоят миллий валютамиз ҳаётга тадбиқ этилди. Не саодатки, шу кунларга ҳам етдик!

Агар сиз пулимизни олиб кўздан кечирсангиз, биласизми, у бирдан меҳрингизни тортади. Нега? Чунки у жуда чукур ўйлаб яратилган. Биз билган, биз эъзозлаган ёдгорликлар, мамлакатимизнинг кўрки, чиройи бўлган, фахру ифтихоримиз бўлган энг кўркам ансамбллар ундан ўз ифодасини топган. Бу уйғунлик пулимизга табиий эъзоз бағишлайди. Қолаверса, шу пулнинг эгаси бўлган халқни дунёвий микёсида обрўйини оширади: ўтмишни, Ватан чиройини эъзозлаш — ўзлигини эъзозлаш, демакдир.

Ёшларимизга, талабаларимизга нисбатан "улар осон йўл — тижорат, савдо-сотиқни танлашаяпти", деган афсуслар адолатли. Бизда иқтидорли ёшлар кўп. Улар ўз иқтидорини қай бир соҳага йўналтира олса, бундан фақат жамият ютади. Аммо арзимаган қийинчилик олдида довдираш, ўзини ўтга-сувга уриш, умуман, мол-дунёга ҳирс қўйиш яхши аломат эмас. Халқимиз тарих тақозосига кўра кўп машаққатли даврларни яшаб ўтган, аммо ҳеч қачон инсоф, адолатни, меҳр-оқибатни унутган эмас. Инсон аввало инсон бўлиши, кейин бўлак соҳаларга қизиқиши лозим. Бухоронинг ўзига хос кўриниши, қурилиши, тарихий ёдгорликлар қаршисида ҳар гал ҳайратингиз ошса-ошадики, камаймайди. Нечун шундай? Чунки ҳар битта ғишт санъаткорона меҳр билан терилган. Ушбу биноларни баъзан оддий инсон қўли билан бунёд этилганлигига ишонмайсан киши. Чунки уларда инсоний ҳалоллик, ихлос ва садоқат, жонфидолик мужассамдир. Бу обидаларда иқтидорнинг, хайрли ниятнинг етук ҳосиласини кўриш мумкин. Қадимда машҳур усталарга шогирд тушмоқлик ҳар кимга ҳам насиб этмаган. Шогирдлик бурчини, муддатини ҳалол ўтаганлар эса ўз устозидек қадр топган, танилган. Ўз касбининг устаси, деган унвон жуда юксак шараф. Бевосита бизнинг соҳага қайтсак, физика, математика, кимё аниқ тафаккурни, асосли тажрибаларни ёқтиради. Турмуш қийинчиликларига тоб берган, синмаган ўнлаб шогирдларим бор. Улар боя сиз эслаганингиздек, мақсадларини тирикчиликка алмаштирмадилар, илмда фидойиликни зўр таянч, деб билдилар. Ҳозир айрим "иқтидорли ёшлар фан соҳасидан узоқлашмоқда, ўзларини тижоратга уриб кетишди", деган қарашлар йўқ эмас. Бу соҳага масъул шахслар бу ҳақда ўйлаб кўришса арзийди. Аммо шунга имоним комилки, тақдиримни илмга бағишлайман деганлар, бари бир, сараланиб-сараланиб қолаяпти. Албатта, китобларимиз осонлик билан чиқаётгани йўқ. Ниятдан кечмаган, юртга хизматни шараф; олимлик, ижодкорликни қисмат, деб билганларгина бу қутлуғ даргоҳни ташлаб кета олмайдилар.

Яқинда профессор Муҳиддин Тошевни ҳам муаллифликда кристаллар кимёсига оид монографияси "Фан" нашриётида чоп этилди. Ушбу китоб ҳақида суриштирганимда нечундир муаллиф гапни бошқа мавзуга бурди. Сездимки, у ўзи ҳақида гапиришни истамаяпти. Шундай бўлса-да, мен олим ҳақида тўхталиб ўтишни истайман: Муҳиддин Тошев 1946 йилда Ғиждувонда туғилган. Ўрта мактабни олтин медаль билан тугатган. Бухоро пединститутининг физика-математика факультетида таҳсил олган. Москвада умумлашган ядро тадқиқотлари институтида ишлади, номзодлик, докторлик ишини ҳимоя қилди. Қатор илмий мақола ва китоблар муаллифи. Лекин шу нарса ойдинки, у ҳамиша илмини бухоролик ёшларга улашди. Шогирдлар даврасида Ватан ҳақида гўё қўшиқ айтади: — Ватан бу миллатнинг қиёфаси. Унинг истиқлолини кўриш фарзанд учун тарихий шарафдир. Мен бир фарзанд сифатида шу кунларда қўлимдан келганча истиқлолни мустаҳкамлаш ишида, Ватан чиройини очишда иштирок этаётганим билан фахрланаман. Шундай саодатни менга раво кўрганлиги учун Аллоҳга шукроналар айтаман...

Суҳбатдош: Р. РАУПОВ.

СУРАТДА: кўриб турганингиз Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Фаррух Зокиров билан Ботир Зокиров. Йўқ, биз адашганимиз йўқ, айнан марҳум Ботир Зокировнинг адаши бўлади. Фақат у кик-боксинг бўйича халқаро мусобақа ғолиби.

Суратчи А. РИСҚИЕВ. (ЎзА)

ТОЛЕ ЁР БЎЛСИН

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллиги нишонланади. Уч йил тарих олдида ҳеч нарса эмас. Аммо, юртимизда қисқа вақт орасида катта ишлар қилинди. Бугун гўзал юртимиз жаҳонга юз тутмоқда. Дунё бизни танимоқда. Биз жаҳонни. Буни кичик бир мисол билан исботлашнинг ўзи кифоя. Шаҳримиздан уч нафар ўрта мактаб битирувчиси ҳадемай биз учун ҳамон сирли ва жозибали туюлган Америқога йўл олишади. Улар Динора, Саитова, Инна Нигай ва Сардор Алибоевлардир.

Биз 9-мактабнинг аълочи битирувчи синф ўқувчиси Сардор Алибоев билан суҳбатлашдик. Ўрта бўй, қорамағиздан келган, ҳаракатларида қатъийлик ҳукмрон, кўзларида ўзига ишонч бор бу ўсмир оилада тўнғич ўғил.

— Сардор, сен болалигингда ким бўлишни орзу қилгансан?

— Гоҳ академик, гоҳ космонавт, гоҳ...! Бувим эса доим менга: "Йўқ, сен анаву тиллари чиройли одамлар бору, ана шу бўласан" дердилар. Менинг кичкина Жеймисим,— деб эркалардилар.— Сардор кулимсийди.

Бўш қолдим дегунча китоб ўқийман. Жону-дилим илмий фантастика. Худайберди Тўхтабоев, Ҳожиакбар Шайхов, Жек Лондон, Александр Дюма китоблари доимий ҳамроҳим.

— Бўлиб ўтган синовлар ва уларнинг шарти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Танлов синовлари уч турдан иборат бўлди. Бунда ўқувчи 1977 йилнинг 1 июнидан 1979 йилнинг 1 сентябригача туғилган бўлиши, ўрта мактабда "4" ва "5" баҳоларга ўқиётган, ва яна инглиз тилини мукаммал билиши, жисмонан соғлом бўлиши, бундан ташқари мустақил давлатлардан бирининг фуқароси бўлиши лозим эди. Синовларни амриқолик мутахассисларнинг ўзлари олиб боришди. Энди 1994-1995 ўқув йилини 1200 га яқин ўқувчи Америқо Қўшма Штатларининг 12-синфида давом эттирамиз. У ерда эса бирор б р оилада яшаймиз. Мен ўзимизга ўхшаган кўп болали хонадонда яшаш фикрини билдирганман.

— Ўртоқларингнинг сенга ҳаваслари келаётгандир-а?

— Билмадим, бўлса бордир. Лекин шуни айтишим лозимки, инглиз тилига қизиқиш ортиб борган кундан бошлаб, дипломат бўлишни кўнглимга тугиб қўйганман. Насиб қилса, иқтисодиёт борасида дипломатия ишларини олиб борсам дейман. Шу тариқа Мустақил Ўзбекистонимизга, ота-онамга муносиб фарзанд бўлсам дейман.

"Дипломат бўлишни кўнглимга тугиб қўйганман..." Сардор, мен сенга қараб туриб, кўзларингда, юзларингда эзгуликни кўраман. Кўнглингнинг тубларига тугилган орзуларингнинг уруғлари униб, гулласин, мевага кирсин, Сардор.

Сен, эрта-индин дунё тан олган қудратли бир қитъага учиб кетасан. Бу учиш нафақат ўзга бир қитъага, балки ўзингнинг, қалби яратаётган пахтасидай оқ халқингнинг келажагига парвоз. Бу парвозинг беҳатар бўлсин.

Сен ўша юртларда Ўзбекистон, унинг заҳматкаш халқи ҳақида, ўзинг туғилиб ўсган Қурама тоғлари тагидаги қадимги Шошнинг пойтахти бўлган Тункент, ҳозирги Олмалиқ шаҳри ҳақида, ўзинг миннатдорчилик билан тилга олган алифбе ўқитувчинг Кундуз Мавлонова, инглиз тили ўқитувчиларининг Унсизой Холжигитова, Лола Акбаровалар ҳамда ўқитувчиларинг Қаршибой Холматов, Абдуқодир Азаматовлар ҳақида, ота-онанг, ака-укаларинг тўғрисида дўстларинг Рустам, Зокирали, Равшановлар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб берасан.

Сардор билан бўлган суҳбат қисқа бўлди. У ўзи ҳақида жуда кам гапирди. Биз у ҳақидаги кўп маълумотларни унинг дўстларидан, ўқитувчилари, онасидан сўраб билиб олдик.

... У бундан бир неча йил олдин, дадаси Ҳаёт акадан мадрасага қатнаб, эскича ўқиш учун рухсат сўради. Ҳаёт ака ўглининг фикри бўлиниб, асосий дарслар қолиб кетишидан чўчиб, рухсат бермади. Лекин ундаги араб алифбосига ҳамда ёзувига бўлган қизиқиш заррача йўқолмади. Сардор алфавит ва луғатлардан мустақил фойдаланиб, шундай муваффақиятга эришдики, мадрасага қатнаётган ўртоқлари эскичани Сардордан ўргана бошладилар. У араб алифбосини деярли мукаммал ўрганди.

Сардор синовларидан муваффақиятли ўтгач, Амриқодаги Акселес (алмаштириш) компаниясининг жумҳуриятимиздаги филиалининг бошлиги Райн Буш бу ўсмирнинг ўта тиришқоқлигига қойил қолиб унинг инглизча-русча луғат китобига шундай дастҳат битди: "Танишганимдан хурсандман. Умид қиламанки, биз яна кўришамиз. Омад ёр бўлсин. Имзо"

Сардорнинг битта синглиси ва тўртта укаси бор. Дадаси Ҳаёт ака муҳандис, онаси Лола опа эса педиатр.

— Фарзандингиз чет элга ўқишга кетаётганига қандай қарайсиз?— дея сўраймиз Лола опадан.

— Бу хабарни илк эшитганимда жуда хурсанд бўлдим. Кейин унинг бир йил бағримдан бўлмаслигини ўйлаб, юрагим эзилди. Бу омадга унинг ўзи машаққат билан эришди. Энди орзусига етсин! Бувилари ҳам, дадаси, мен ҳам ўглимизга оқ йўл тилаб, бизнинг юзимизни ёруғ қилиб юр, деймиз. Илоё ой бориб, омон келсин...

Ойсара Дадаева

"ТАЛАБИМИЗГА ҚУЛОҚ СОЛИШМАЯПТИ"

— Болам, газга чой қўйиб юбор.

— Майли, ҳозир.

— Табиий газ жоннинг ҳузури экан-да. Илгари тезак ни бурқситиб, кўзга тутун кириб, ўчоқ бошидан бери келмас эдик, — дейди қайнона ҳурсандчилигини яшира олмай.

Новбур қишлоғи аҳолиси энди табиий газ ёқадиган бўлишди. Фақат Новбур эмас, Шеробод туманидаги М.Муродов номли жамоа хўжалигида ҳам бу йил "зангори олов" ёнмаган хонадон қолмади ҳисоб.

— Тумандаги айрим хўжаликларда газлаштириш жуда суст бораётган бўлса-да, бизнинг хўжалигимиз бу муҳим ишни жуда тез амалга оширгани бежиз эмас, — дейди 3-участка бошлиғи Жўра Раҳматуллаев. Хўжаликда тажрибали раҳбар, Ўзбекистон халқ ноиби Шоди Беккелдиевнинг саъйи ҳаракатлари туфайли хайрли ишлар қилинаётир. Бир нечта объектлар қурилиб, ишга туширилди. Янги истироҳат боғи бунёд этилди. Кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида қўшимча иш ўринлари барпо қилинмоқда.

Деҳқонларнинг иш ва турмуш шароитлари яхшиланаётганлиги ўз самарасини беряпти. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалари ҳар йили ошиғи билан уддаланмоқда. Аммо вилоятдаги баъзи бир хўжаликларда деҳқонлар ишлаш ва яшаш учун шароит етарли эмаслигидан нолимоқдалар. Масалан, Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" давлат хўжалигидаги айрим қишлоқларда ҳалигача ичимлик сувининг етишмаслиги ташвишланарли ҳолдир. Айниқса, Маслаҳаттепа, Мачай қишлоқларидаги водопровод жўмракларидан сув томмаётганлигини айтмайсизми.

1-участка бошлиғи И.Тоғаев ҳамда катта ҳисобчи Т.Худойқуловлар биз билан суҳбатда баъзи талабларини дастурхон қилишди.

— Болалар боғчаси йўқлиги учун болали аёлларга иш шароити яратиб бера олмаяпмиз. Айрим жойларда масалан, Қизилнавр қишлоғида бир ҳафталаб электр чироқлари ёнмай қолаётир. Хонадонларни газлаштириш ишлари кечикаётганлиги ҳам бизни ташвишга солмоқда. Участкамизда аҳоли зич жойлашган. Ишсизлар ҳам бор. Улар учун бирорта кичик ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини талаб қиламиз.

Хўжаликда яшаётган айрим кишилар билан суҳбатлашдим. Улар қишлоқларда аҳолига ғамхўрлик яхши эмас, хўжалик раҳбарлари — директор Хушбоқ Фармонов, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Чори Элмуродов, бош ҳисобчи Иноят Мираҳмедов ва бошқа раҳбарлар арзимизга қулоқ солишмаяпти дейишди. Яна ким билади дейсиз...

Одамлар турмуш шароити яхши эмаслигидан нолишмоқда. Нега шундай?

Ҳали шароитни гапирасиз. Уч ойдан буён улар маош олишгани йўқ-ку, — дейди хўжалик директори муовини Ашур Худойбердиев.

Қизиқ, икки хўжаликда икки манзара. Бу ҳам раҳбарлар ташкилотчилиги турлича эканлигидан дарак беради, шекилли.

Жовли ХУШБОҚОВ, "Туркистон" мухбири.

Газета саҳифаланаётганда:

ДУРАНГ... ҒАЛАБА!

Арабларни доғда қолдирган Швеция футболчилари руминларни ҳам шу кўйга солишди. Уларни ярим финалга йўллаган бу учрашув гарчи дуранг билан тугаган бўлса-да, 11 метрлик тўплар тепиш орқали шведлар ўзларини устунроқ эканликларини кўрсатишди. Энди улар ярим финалда яна бир бор Бразилияга қарши тўп суришади.

ОВРУПАГА ҚАРШИ...

Ҳа, Бразилиянинг бу кетиши бўлса, уни ҳеч бир Овруўпа жамоаси тўхтатолмайди, чоғи. 3:2 ҳисобида голландлар устидан қозонилган ғалаба бунинг айни далилидир. Голландиянинг нақадар кучли маҳоратини синдира олган бразилияликлар ярим финалда гуруҳдошлари Швеция билан учрашадилар.

БУНИСИ КУТИЛМАГАНДИ...

Чемпионликка асосий даъвогарлардан бири — олмонияликларнинг ниятларини Болгария футболчилари 1/4 финалдаёқ пучга чиқаришди. Ҳа, ҳеч ким кутмаган бу ўйин 2:1 ҳисобида болгарияликларнинг фойдасига ҳал бўлди.

ЯНА ЎША БАДЖОЛАР

Италияликларнинг ҳар бир ўйини борган сари саҳнадагидек тус олмоқда. Айниқса, Роберто ва Дина Баджонинг кўрсатаётган "ҳунарлари" ҳеч нимага ўхшамайди. Агар ака-ука Баджони бу ёғига ҳам кучли руҳдаги ҳаракатлари давом этса, Италия терма жамоасини финалда кўришимиз аниқ. Бу жамоа ярим финалда Болгария билан учрашади.

Хайрулло ҲАМИДОВ.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- "Мени ўйлантираётган муаммолар"
- Юклар орасига яширилган оғу.

Шу сонга хабар

ЭЪТИБОР

Самарқанддаги футбол мактабида кўпгина иқтидорли болалар таҳсил олишади. Устозлар ва мутахассислар ҳар бир боланинг қобилиятига қараб алоҳида мураббийлик қилишмоқда. Вилоят халқ демократик партияси кенгаши ўша болалар орасидан Самарқандлик Пеле чиқишига умид билдиришиб, яхши ният билан футбол мактабига 1 миллион сўм-купон ўтказишди. Фақат бугина эмас, болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган мусобақага ҳам ҳомийлик қилишмоқда.

Камолиддин ҚОДИРОВ.

УЮШМА ТУЗИЛДИ

Нуробод туманида деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси тузилди. Унинг президенти этиб, собиқ ёшлар саркотиби Раим Усанов сайланди. Уюшма тумандаги деҳқон-фермер хўжаликлари ишидаги камчиликларни тугатиш ва муаммоларга кўмак беришни биринчи галдаги вазифа қилиб олган.

ҒОЛИБ МОСКВАГА БОРАДИ

Ўша ғолиб — ёш хонанда Маҳмуд Саломов бўлади. У самарқанд шаҳар Ёшлар Итифоқи ташаббуси билан ўтказилган "Самарқанд юлдузлари" замонавий қўшиқлар танловида қатнашган эди. Маҳмуднинг ширали овози ва қўшиққа шеър танлаши томошабинларга ҳам, ҳайъат аъзоларига ҳам манзур бўлди. Кейинги пайтларда ёшлар ташкилоти томонидан бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб, ёши улуғ ва кичик қўшиқ шинавандаларига маъқул тушмоқда.

Майда мавзуми? Йўқ!

ИМЗО ЧЕКИШДАН ТОРТИНМАНГ

ЁКИ "ДОМ" ДА ЯШАШ ОСОНМИ?

(Боши 3-бетда).

девори орқасида, атрофдаги дуч келган кўпқаватли уйнинг йўлакларида бемалол "ишини бажариб" кетаётганлари, айрим нокаслар эса қиз-жувонлар кўз ўнгида шундай қилаётганларидан ғоят норизо бўлишган. Бу ҳолдан айниқса, 4-митти туманга қарашли 19-уйда истиқомат қилувчилар хуноб эканлиги хатда алоҳида қайд қилинади. Эҳтимол, муаллифлар бундай кўнгилсиз манзаралар таърифланган битиклар сўнгида ўз исм-шарифларини ёзишдан ор қилишгандир? Ҳар не бўланда ҳам номаълум муаллифлар ҳақ. Хатда келтирилган далилларни шаҳримиз митти туманларидаги исталган кўпқаватли уйнинг йўлакларида ҳозирги кунда, айниқса, ёмғирдан кейинги кўзиқоринидек кўпайиб бораётган исталган бар, пивохона, кўчма ошхона атрофида учратиш мумкин. Бу номаъқулгарчиликларни кўриб, биров бурнини жийиради, биров санэпидстанцияни, яна биров шаҳар раҳбариятини, яна биров табиатни муҳофаза қилиш қўмитасини қоралайди. Лекин амалий чора кўриш зарурати ҳеч кимни қизиқтирмаётгандек...

Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда пивохоналар кўчма ошхоналар, "Пахтазор" ресторани шохобчасига ўхшаш жойлар, турли-туман тижорат дўконлари Қаршида тўлиб кетди. Майли, улар кўпайсин, халқимизга ҳизмат қилсин. Лекин улардаги шароит мижозлар ва уйда ишловчиларнинг энг оддий, табиий талабларига ҳам жавоб берсин-да. Ҳозир шошиб-пишиб ишга туширилаётган дўконлару пивохоналарнинг бирортасида ҳожатхона тугул оддий қўл ювиш крани йўқ. Ахир, биз Шарқ қишисимиз. Ота-боболаримиз бирор иморат қуришни бошлаганларида аввало ишни шундан бошлаганлар-ку. Турар-жойлардан фойдаланиш идораларининг фаррошлари, яъни аксарияти эрта тонгда уйқусини бузиб кўча супуриб, қоғоз териб топган зиғирча пулини ҳам "ўғлимнинг тўйига, қизимнинг сепига" дея асрашдан толиқмаган мушфиқ онахонларимизнинг бу менсимаётганларга, нима дейишни ҳам билмайман. Наҳотки, шу даражага етдик? Такрор ва такрор таъкидлаётганимиздек, ўзлигимизга қайтаётган эканмиз, росманасига қайтайлик. Баъзан кексалар эслаб қолишади: "Илгари ҳар йигитнинг белида учта белқарс бўларди: бири таҳоратдан сўнг қўлбетини артиш учун, яна бири нонни ўраб белга тугиш учун, бошқаси — энг оҳорлиси йўлдаги номоз учун". Қаранг, Шарқ кишиси турмуш тарзига ўзини пок сақлаш қанчалик сингиб кетган эди. Ёки биз уларнинг авлоди эмасмизми? Ғарб мамлакатлари маиший турмуш тарзда ҳам ҳали биз англаб етмаган бу хил сир-синоатлар кўп. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам этагини тутмаган баъзи замондошларимиз эса аросатдалар. Шаҳардаги ҳожатхоналарга кириб қолсангиз, кўнгил беҳузур бўлади. Айниқса, эски шаҳарнинг автобошбекатидаги ҳожатхона аҳволи ўта хароб. Ёз бошланди. Тез кунда у сингари нотоза манзилдар турли юқумли касалликларнинг тарқатиш манбаига айланмайдими? Майли, ҳожатхоналар пуллик бўлсин, хобхона эшиги кириш эшигининг шундоқ ўнг ё чап тарафида жойлашган. Эшик очиқ қолган, ичкарида тўшак солинган бўлиши мумкин... Кимга қандай билмадим-у, ҳарқалай, мен бунақа нарсаларга тасодифан ҳам кўзим тушиб кетишини истамайман. Тағин киравериш дахлизлари шунақа торки, ўзингизни ўнглаб олгунча бўларингиз бўлади. Агар танишларимнинг уйлари бир иқтисодий қийинчилик шароитида бир зарб билан ҳал этиб бўлмайди. Ҳозир истасак-истамасак борига барака деб яшайдиган замон. Лекин бор имкониятлардан фойдаланиб, ҳар бир ишни етти ўлчаб бир кесганча амалга ошириб, мақола бошида гапирилгани сингари хунук манзаралар рўй бермаслиги олдини олиш мумкин-ку. Менинг болам — Шарқ кишисининг минг-минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган туғма одоби, назоқати, фасоҳати, иффати қонида уфурган гулдай тоза болам атрофдаги ифлосликка, ҳар қадамда учрайдиган ахлат тўдаларига кўзи кўникиб ўсишини, тарбиясиз, бефаросат кишиларнинг хат муаллифлари кўнглини бузгани сингари "иш"ларини одатдаги табиий ҳол дея билиб катта бўлишини ва охир-оқибатда кимлигини унутиб, ўзи билмаган ҳолда бир кун худди ўшалардай қилиқ қилишини табиий ҳисобловчи мавжудодга айланиб қолишини асло истамайман. Тасаввур қилинг, кечроқ тоза ҳаво олгани (буни қаранг, тоза ҳаво-я) уйингиз йўлагига чиқдингиз. Сиз кутган мусаффо ҳаво ўрнига, кечирасиз-у... таъбни хира қилувчи ўша ҳид димоғингизга урилади. Ёки кимнингдир худди шундай беҳузурлик манбасини яратаётгани устидан чиқасиз. Ўнутманг, ҳозир сиз эмас, балки болангиз, хотинингиз ёхуд қизингиз ҳам чиқиб қолиши мумкин эди... Бу "тентак" шу ишини бирор бир маҳаллада қилиб кўрсин-чи, аҳволи не кечаркин... Аммо бу ерда ҳар нарсага ҳадди сиғади. Шаҳар дегани ҳар ишни ҳар жойда қилиш мумкин бўлган пардасизлик макони эмас-ку. Бу ер Одоби, Ҳаёси олдида ҳамма бош эгган буюк ШАРҚнинг бир қисми-ку!

Албатта, Қарши шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Қашқадарё вилоят бўлими маҳаллалар қўмиталари фаолиятини жонлантириш, маҳаллани ҳақиқий тарбия ва меҳр-оқибат масканига айлантириш учун жуда кўп савоб ишларни амалга оширишмоқда. Аммо афсуски, шаҳар аҳолисининг каттагина қисми истиқомат қилувчи миттитуманлар эса бу зарур эътибордан анча четда. Миттитуманларда маҳаллалардаги шароит ва муҳитнинг юздан бири ҳам яратилмаган. Ахир у ерда ҳам бегона эмас, ўзимиз истиқомат қиламиз. Тўй бор, ҳашам бор, дегандай... Миттитуманларда ҳам маҳаллалардагидек бирлик, меҳр-оқибат, шароит бўлса, деймиз-да.

ШУНАҚА ГАПЛАР. Қўлимдаги бир варақкина имзосиз хатнинг ортида шунча манзара, ўзига хос бир дунё ётибди. Эҳтимол, муаллифлар бу дунёни бор бўйи билан уйга жойлай олмаганлари учун ҳам имзо чекишдан тортинишгандир. Бекор қилишган, мен имзо қўйдим.

Олим АБДУҲАМИД.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон TURKISTAN

Таъсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИ�з: 700011, Тошкент, Мафкуралар майдони, 2-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 996 42428 нусҳада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.